

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 177 (8667). ● 14 сентябрь, 1985 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

● ОҚҚЎРҒОН районидаги «Озод» колхозининг 2-бригадаси аъзолари мусобақада пешқадамликни қўлдан бермаслик учун курашмоқдалар. Суратларда: (чапда) бригаданинг илғор теримчилари Нафиса Умарова ва Фотима Қосимова ўртоқлар кунига 140 килограммдан ошириб пахта термоқдалар. Бригадир (ўнгда) Деҳқон Алиқулов колхозчилар ишидан хурсанд.

А. Зуфаров фотолари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида ўртоқ М. С. Горбачевнинг Тюмень областига қилинган сафар, у ерда ўтказилган партия-хўжалик активларининг кенгаши, меҳнаткашлар билан учрашувлар ва суҳбатлар ҳақидаги ахборотини муҳокама қилди.

Мажлисда шу нарса уқтириб ўтилдики, бу тадбирлар партиянинг иқтисодий сиёсатини, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорларини амалга ошириш, мамлакатнинг асосий ёқилғи — энергетика базаси — Ғарбий Сибирь нефть — газ комплексини янада ривожлантиришни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Министрликлар ва идораларнинг, маҳаллий партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг бу регионадаги ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш, нефть ва газ конларидаги ишларнинг аҳволини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, капитал қурилишни такомиллаштириш, бурғулаш ускуналарининг ҳамда бошқа ускуналарнинг техникавий даражасини, сифатини ва пишиқ-пухталигини ошириш соҳасидаги вазифалари белгиланди. Меҳнаткашларнинг зарур социал-маиший шароитларини яратишга, уй-жой, маданий-маиший объектлар қуриш топшириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга, савдони ва хизмат соҳасини яхшилашга алоҳида эътибор берилди.

Сиёсий бюро Целиноград шаҳрида СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигида ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитети ўтказган кенгашнинг якунларини кўриб чиқди. Қабул этилган қарорда уқтириладики, кенгашда ўртага қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши партиянинг аграр сиёсатини амалга ошириш, умуман мамлакатнинг социал-иқтисодий вазифаларини янада муваффақиятли ҳал этиш соҳасидаги фаолиятини кучайтириш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Аграр секторда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш-иқтисодий потенциал хўжалик юритишнинг интенсив методларини кенг миқёсда жорий этишга, шу асосда аҳоли учун озиқ-овқатни ва саноат учун хом ашёни кўпайтириш суръатларини жадаллаштиришга ўтиш имконини бериши таъкидланди. Бу — ҳамма поғоналардаги партия, совет ва хўжалик органлари фаолиятини, меҳнат коллективлари, мамлакат агросаноат комплекси миллион-миллион меҳнатчилари кундалик ишининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги масаласини муҳокама қилди. Бу тадбирларни меҳнаткашлар тўлатўкис қўллаб-қувватлаётганликлари, бу тадбирлар меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатини ва ижтимоий активлигини оширишга кўмаклашаётганлиги, жамиятдаги маънавий муҳитга ижобий таъсир қилаётганлиги уқтириб ўтилди. Қонунларга ичкиликбозликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланди. Партия органлари билан бошланғич партия ташкилотларига шу соҳада бошланган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш ва мавжуд камчиликларни тугатиш ишини кучайтириш таклиф қилинди. Тегишли давлат органлари, шунингдек касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари йўли билан меҳнаткашларга савдо, маиший хизматни ва уларнинг дам олишини ташкил қилишни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур деб топилди. Ҳушёрликни турмушимизнинг нормаси тариқасида қарор топтириш — бундан буён ҳам қатъият ва изчиллик билан амалга оширила берадиган энг муҳим умумпартия ва умумдавлат вазифаси эканлиги таъкидланди. Шу масалага доир қарор матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий бюро Украина ССР партия ва давлат органларининг умумиттифок аҳамиятга молик курорт бўлмиш Катта Ялтани янада ривожлантириш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлади. У ерда санаторий—курорт муассасалари қурилишини кенгайтириш, уларнинг иш даражасини кўтариш, шаҳарнинг хизмат соҳасини ва коммунал хўжалигини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Бош секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиуми Раиси Ж. Батмунх билан амалий учрашуви якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади. СССР билан МХР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ва Москвада имзоланган узоқ муддатли программаси иккала мамлакат ўртасидаги анъанавий халқ хўжалиги алоқалари самарадорлигини ошириш учун янги имкониятлар очади. Қардошларча дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган учрашув Совет Иттифоқи билан МХР ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга, сиёсий ва иқтисодий турмушнинг турли соҳаларида, тинчликни ва халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга оширишда уларнинг ҳамкорлигини чуқурлаштиришга кўмаклашиши уқтириб ўтилди.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Франция Компартияси Бош секретари Ж. Марше билан учрашуви якунлари маъқулланди. Совет ва Француз коммунистлари империализмга ва империализм авж олдираётган қуролланиш пойгасига қарши, жумладан хатарли «самовий урушлар» режаларига қарши, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, социализм учун курашдаги жанговар дўстлар ва сафдошлар сифатида ҳаракат қилаётганликлари мамнуният билан қайд этилди. КПСС билан ФКП позицияларининг умумийлиги Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги, иккала мамлакат халқлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро мажлисида ўртоқ В. И. Воротников бошчилигидаги совет партия — давлат делегациясининг Вьетнам мустақиллиги эълон қилинганлигининг 40 йиллиги байрамида қатнашиш учун қилган сафари якунлари, шунингдек мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

ДЕФОЛИАЦИЯНИ ТЕЗРОҚ ТУГАЛЛАБ, МАШИНА ТЕРИМИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН БОШЛАЙЛИК

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОЛТИ КУНДА ТУГАЛЛАНДИ

● ОҚҚЎРҒОН. Районда бу йил она-Ватанга 65 минг тонна «оқ олтин» топширилади. Етиштирилган ҳосилнинг 75 проценти машиналар ёрдамида терилади. Шунинг учун ҳам мавжуд 19 минг гектар пахта майдонини дефолиация қилиш 6 иш кунида сифатли тугалланди. С. Сегизбоев номли «Оққўрғон» совхозлари ҳамда «Ленинизм» колхози механизаторлари бу тадбирни амалга оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

РЕКОРДЧИ ТЕРИМЧИЛАР

● БЕКОБОД. Дзержинский номли колхоз аъзоси, область Советининг депутати Муҳаббат Бойбўтаева ўтган куни хирмонга 300 килограмм пахта тўкди. Илғор теримчининг мавсум бошидан буён терган пахтаси 1800 килограммдан ошди. Унинг мақсади бу кўрсаткични 10 тоннага етказиш.

Хўжаликда М. Бойбўтаеванинг сафдошлари сони ортиб бормоқда. Пушкин номли қишлоқ Советининг депутати Бозоржон Бозорова, Озода Обидовалар шулар жумласидандир. Улар ҳам шу кунгача 1100 килограммдан ошириб пахта теришди.

Колхозчи Насиба Ҳайдарова эса ўтган куни ўз фарзандлари билан 416 килограмм пахта терди. Оила аъзолари мавсум охиригача 9 тоннадан зиёд хирмон уюшга аҳд қилдилар.

КЎЧМА АМБУЛАТОРИЯЛАР

● БЎКА. Айни долзарб паллада меҳнаткашларнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш район медицина ходимларининг диққат марказида турибди. Бу ерда ташкил этилган икки кўчма амбулатория деҳқонлар хизматида. Уларнинг ҳар бирига икки врач, икки фельдшер биркитилган, замонавий медицина асбоб-ускуналари, дори-дармонлар билан таъминланган. Амбулатория ходимлари ҳозиргача олти хўжаликда бўлиб, дала меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатдилар. Ҳамза номли, «Ленин йўли», «Партия XIX съезди» ҳамда «Ленинобод» колхозларида эса 502 нафар механизатор диспансеризация кўригидан ўтказилди. Дефолиацияда қатнашган ўртоқлар алоҳида текшириб кўрилди.

ПЕНСИОНЕРЛАР ҲИММАТИ

● ЧИНОЗ. Навоий номли колхозда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар: пахтакор ўғил-қизларига баҳоли — қудрат ёрдам бериш учун белларига этак тутишди. Айни кунларда 60 нафар отахон ҳамда онахонлар колхоз далаларида меҳнат қилишаяпти. Барат ота Азизов, Худойберди ота Ҳасанов ҳамда Зайнабая Тўхтамуродовалар кунига 25—30 килограммдан пахта териб топширмоқдалар.

Ветеранлардан ўрнак олган яна 40 нафар пенсионер ҳам хайрли ишда иштирок этиш истагини билдиришди.

АВТОЛАВКАЛАР ДАЛА КЕЗАДИ

● ПИСКЕНТ. Район пахта далаларида ўтган куни 3160 киши меҳнат қилди, 102 тонна хирмон уйилди.

«Гулистон» колхозининг Абдукарим Худойбердиев бошлиқ бригадаси теримчиларидан Муҳаббат Усмонова ва Рисолат Норматовалар шу куннинг қаҳрамонлари бўлишди. Уларнинг ҳар бири 100—125 килограммдан пахта теришди.

Район матлубот жамияти фидокор пахтакорларга намунали савдо хизматини йўлга қўйиш мақсадида 10 та автолавка ажратди. Ҳозир бу кўчма магазинлар белгиланган график бўйича дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлишаяпти. Айниқса, Восит Комилов савдо қилаётган кўчма магазин хизматидан деҳқонлар мамнун.

РАЙОНДА БИРИНЧИ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Районда мавжуд 9797 гектар пахта майдонини дефолиация қилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. 78 та ОВХ пуркагичи тиркалган тракторлар унумли ишлатилмоқда. Ҳозиргача 7262 гектардан ортиқ майдон дефолиация қилинди.

Куни кеча Энгельс номли колхоз пахтакорлари районда биринчи бўлиб бу ишни тугаллашди. Бешта ОВХ пуркагичи ёрдамида мавжуд 1000 гектар майдонга дори сепилди.

Район меҳнаткашлари машина теримини уюшқоқлик билан бошлашга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бунинг учун 298 та терим агрегати шай қилиб қўйилган. Ҳар бир машинага икки нафардан механизатор биркитирилди, иш сменали ташкил этилади.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Областимиз районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 13 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён. (Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	0,73	4,40
Янгийўл	0,52	3,11
Бекобод	0,51	2,36
Оққўрғон	0,23	1,42
Бўка	0,24	1,28
Пискент	0,24	1,09
Ғалаба	0,06	0,31
Коммунистик	0,07	0,27
Ўрта Чирчиқ	0,04	0,18
Область бўйича:	0,29	1,50

Областимиз районларида ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида шу йил 13 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	15	135
Ғалаба	13	92
Бўка	12	78
Чиноз	17	78
Коммунистик	13	77
Ўрта Чирчиқ	12	74
Бекобод	9	61
Янгийўл	11	58
Пискент	15	48
Область бўйича:	13	79

● БЎКА районидаги «Партия XX съезди» колхозининг ўртоқ С. Мансуров бошлиқ бригадаси деҳқонлари 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш учун курашмоқдалар. Бригадада машиналар киролмайдиган ерларда қўл терими кундан-кунга кучайтирилмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) илғор теримчилардан Р. Яхяева, Г. Убайдуллаева. Улар кунига 150—160 килограммдан пахта термоқдалар.

А. Мальцев фотоси.

БИЗ ҲАМ КЎМАКДОШМИЗ

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ Ҳ. ОЛИМЖОН НОМЛИ 12-ЎРТА МАКТАБ КОМСОМОЛ-ЁШЛАРИНИНГ ОБЛАСТДАГИ ЎҚУВЧИ КОМСОМОЛ-ЁШЛАРГА

М У Р О Ж А А Т И

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИДА

Тошкент область комсомол комитети Тошкент районидаги Ҳ. Олимжон номли 12-ўрта мактаб комсомол-ёшларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олишда қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан ёрдам кўрсатиш бўйича бошлаган ташаббусларини маъқуллади.

Район ва шаҳар комсомол комитетлари, бошланғич комсомол ташкилотларига бу ташаббусни кенг муҳокама этиш ва барча ўқув юртлари комсомол-ёшлари томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш таклиф этилди.

Қадрли тенгдошлар!

Областимиз колхоз ва совхозларида меҳнат қилаётган ота-оналаримиз, ака ва опаларимиз ўн биринчи беш йиллик сўнгги йили планлари ва олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун астойдил ғайрат қилмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнати билан дала ва боғларда мўл ҳосил етиштирилди. Бу маҳсулотларни тезроқ йиғиштириб олиш ва давлатга топшириш учун кураш авж олиб кетди.

Ана шу долзарб паллада биз, ўқувчи-ёшлар ҳосилни йиғиштириб олишда ота-оналаримизга яқиндан ёрдам беришни комсомоллик бурчимиз, деб биламиз. Мактабимиз комсомол-ёшлари камида 50 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олиш ва уларни давлатга юқори сифатли ҳолда топширишга қарор қилдилар.

Комсомол-ёшлар!

Биз сизларни ташаббусимизга қўшилишга, дала ва боғларда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан кўмаклашишга даъват этамиз. Дарсдан бўш пайтларда сабзавот, мева, бошқа маҳсулотларни йиғиб териб олишда комсомолларга хос ғайрат-шижоат билан меҳнат қилайлик. Бу билан биз оталаримизнинг пешона терлари эвазига етиштирилган мўл ҳосил ўз вақтида нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олинишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

(Бу мурожаат мактаб комсомол ташкилотининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган).

Газетанинг бугунги сонига хабар қиладилар

САРА УРУҒ—ДАВЛАТГА

● САРА уруғ — ҳосил бўлиқ, дейди халқимиз. Тўйтепа маккажўхори саралаш заводи коллективи бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб бормоқда. Завод беш йилликнинг якунловчи йили ва умуман ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажарди.

Ҳозирга қадар 50900 тонна сортли ва гибрид маккажўхори уруғлиги сараланди.

Завод коллективи шу кунларда 1986 йил ҳисобига ишлай бошлади. Йил охиригача яна 5500 тонна уруғликни саралаш мажбурияти олинди. Завод ишчилари зиммаларидаги юксак мажбуриятларнинг ҳам муваффақиятли бажариш учун курашмоқдалар.

ЯНА 800 ТОННА ТОПШИРИЛАДИ

● ОРЖОНИКИДЗЕ райони меҳнаткашлари 3155 тонна ўрнига 3160 тонна гўшт топшириб, йиллик планларини ортиғи билан бажардилар. Бу муваффақиятда Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг ҳиссаси, айниқса, каттадир. Бирлашма паррандабоқарлари ҳозиргача йиллик планда белгиланганидан 257 тонна кўп гўшт етказиб бердилар.

Ленин номли, «Маданият», «Коммунист» колхозлари, Р. Мусамуҳамедов номли, «Қибрай» совхозлари гўшт етиштиришни кўпайтиришда бир мунча муваффақиятларга эришдилар.

Район чорвадорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга яна 800 тонна гўшт топширишга аҳд қилдилар.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

«Ангренэнергоцеве т м е т» корхонаси коллективи куни кеча янги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришга киришди. «Қувурлар шодаси» деб аталувчи бу маҳсулот ҳавони совутишда, асосан саноат музлатиш қурилмалари — турбокомпрессорларда ишлатилади.

Корхона ишчилари ҳозирги вақтда бундай икки хил: К-250, К-500 маркали маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Шу кунгача 20 дан ортиқ комплекс тайёрланди. Йил охиригача эса уларни 70 тага етказиш мўлжалланмоқда.

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Ўзбекистонда ўтказилган Ҳиндистон кунлари тугади. Самарқанд ва Хоразм областларига сафар қилган ҳиндистонлик меҳмонлар Тошкентга қайтиб келдилар. Делегация аъзолари —Панжоб штатининг вакиллари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини бориб кўрдилар. Меҳмонлар ҳинд халқининг шонли фарзанди — Лаъл Баҳодир Шастри номидаги 24-мактабда бўлдилар.

Ҳиндистон делегациясининг аъзолари юртига жўнаб кетиш арафасида чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятида ўтказилган матбуот конференциясида журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Улар Ўзбекистон диёридаги учрашувлардан олган таассуротларини ўртоқлашдилар, Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзТАГ).

ОКТЯБРЬ КУЙЧИСИ, ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУЙЧИСИ

ОЙБЕК ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ МОСКВАДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Ойбек ижодида социалистик ватан ҳаёти билан чамбарчас алоқа ўз ифодасини топди. Мамлакатимиз халқларининг кўпгина тилларига таржима қилинган унинг асарларини миллион-миллион китобхонлар зўр меҳр-муҳаббат билан ўқишади. Шу сабабли ажойиб сўз санъаткори туғилган куннинг 80 йиллиги барча қардош иттифоқдош республикаларда кенг нишонланди. 12 сентябрь куни Москвада, Союзлар уйининг колонна залида бўлиб ўтган тантанали кеча ана шу байрамнинг якунловчи гултожи бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети секретари М. В. Зимянин, КПСС Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, қардош адабиётларнинг вакиллари президиумдан жой олади.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. С. Иванов кириш нутқи сўзлаб кечани очди.

Ўзбек совет адабиётининг ажойиб арбоблари орасида Ойбек номи алоҳида ёрқин юлдуз бўлиб порлаб турибди, деди у.

Ёзувчи юксак ижтимоий ва синфий ғояларни юксак гражданлик ва бадиий жарангдорлик истеъдоди билан тараннум этди. У «Қутлуғ қон» романи, «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Навоий», «Ҳамза», «Зафар ва Заҳро» достонлари, «Нур қидириб» сингари қиссаларини ва бошқа кўп ажойиб асарларни яратди. Уларнинг номиёқ улкан сўз санъаткорининг юксак истеъдодидан далолат беради. Ойбек Навоий образини достонда яратиш билан кифояланиб қолмай, ўзбек халқи буюк фарзандининг маънавий-аҳлоқий ва бадиий дунёсини ҳар томонлама тадқиқ этишга қайтиб, «Навоий» романини яратди. Кейинчалик у Ўзбекистон колхозчиларининг меҳнатдаги зафарлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзди. Шундан кейин ёзган «Қуёш қораймас» романи совет жангчиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасоратини мадҳ этади.

Мана шу асарлар яратилганидан кейин унча кўп вақт ўтмай Ойбек ижоди ўзбек совет адабиётининг олтин фонди эканлигига ҳамма комил ишонч ҳосил қилди, бу асарлар кўп миллатли социалистик маданиятимизнинг маънавий хазинасини кўп жиҳатдан бойитди.

Нотиқ Ойбекнинг таржима фаолиятига кўп вақт ва ижодий куч-ғайрат сарфлаганини уқтириб ўтди. Ойбек ўзбек тилига таржима қилган «Евгений Онегин» ва «Фауст», «Демон» ва «Маскарад» сингари инсон руҳининг бебаҳо асарлари худди шу асарлар авторларининг она тилидагидек теран ва ҳаяжонли жилоланиб турибди. Ойбек ўзбек китобхонларини Чехов, Гоголь, Горький, Маяковский, Белинский, Дантенинг жуда кўп асарлари билан таништирди.

Пировардида нотиқ бундай деди:

Ўз ижодида катта бадиий кашфиёт қилган, социал адолат учун, одамларнинг бахт-саодати учун курашдаги аччиқ ва буюк ҳақиқатни сўзлаб берган маънавий маданият арбоблари миллион-миллион кишиларнинг меҳр-муҳаббатини қозонмоқдалар. Ойбек азалдан ана шундай меҳр-муҳаббатга сазовор бўлган адибдир ва у ҳамиша ардоқланаверади. Чунки у инсон ақл-идрокининг, адолат ва бахт-саодатнинг тантанаси йўлида ғоят улкан ижодий жасорат кўрсатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева Ойбек ҳақида сўзлаб берди.

Кечада Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Н. Алексеев (Москва), Тожикистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари И. Ф. Файзуллоев, ёзувчи В. П. Козаченко (Украина), Кабарда-Балқария халқ ёзувчиси О. П. Кешоков, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Ў. Р. Умарбеков ватанпарвар ёзувчи ижодининг беқиёс аҳамияти, унинг кўп қиррали жамоатчилик фаолияти ҳақида сўзладилар. Партия, В. И. Лениннинг адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги, унинг ҳаққонийлиги, халқ билан бирга бўлиши ҳақидаги васиятлари Ойбекни камол топдириб, ғоявий жиҳатдан чиниқтирди, деб уқтирилди нотиқларнинг сўзларида. Ўз навбатида у маркса-ленинча таълимотни чуқур мушоҳада этиб, ишчилар синфининг етакчилик ролини тушуниб олиб, унинг куйчисига айланди ва ҳаётининг охиригача социалистик жамиятнинг порлоқ идеаллари учун, партиямиз иши учун курашди.

Ойбекнинг илҳомбахш сўзлари орадан шунча йиллар ўтганига қарамай, ўзининг маънавий ва эстетик тарбиявий аҳамиятини асло йўқотгани йўқ, деб таъкидлашди нотиқлар. Совет кишиларининг тобора янги авлодлари унинг ижодидан кўпдан-кўп ўзларини тўлқинлантираётган саволларга жавоб топиб, унинг асарларига мурожаат қилмоқдалар. Ватанпарвар ёзувчи ҳамон коммунизмнинг нурафшон идеалларини қарор топтириш, замонамизнинг кўп миллионли китобхонлар армиясини Ленин партиясига, Совет Ватанига ва халққа меҳр-муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ленинча миллий сиёсат тантанасини намойиш этган Москвадаги тантанали кеча Ўзбекистон ССР санъат усталарининг катта концерти билан ниҳоясига етди. Концерт зўр муваффақият билан ўтди.

(ТАСС—ЎзТАГ мухбири).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЖИДДИЙ ЭЪТИРОЗ

«Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 345-кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари ҳисобот даврида катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Улар кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводида сув таъминоти объектини, учта кўп квартирали турар-жой биносини барвақт ишга туширдилар, Қорақиясой подстанцияси реконструкциясини ниҳоясига етказдилар. Бир сўз билан айтганда ўтган ойларда қурувчилар салкам 4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этиб планни анча ортиғи билан бажардилар.

Қурилиш ишларини тезлаштириш ва сифатини яхшилашга колонна рационализаторлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш талаблари асосида партбюро рационализаторлик ҳаракатини кучайтиришга катта эътибор бермоқда. Янгилик ижодкорларидан ўтган ойларда ўндан ортиқ рационализаторлик таклифлари тушди. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли 53 минг сўмлик самара олинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган колонна партия бюроси секретари Н. Гуляева бажарилган ишларни атрофлича таҳлил қилиб ўтди. Бу ютуқларда коммунистлар ҳиссаси сезилиб турибди. Колонна партия ташкилоти ҳисобида 37 коммунист ва бир партия аъзолигига кандидат бор. Улар топширилган вазифаларни ўз вақтида аъло даражада бажариш учун курашмоқдалар.

Доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан коммунистлар ютуқларни таъкидлаш билан бирга йўл қўйилган камчиликлар устида ҳам тўхталдилар. Биринчи участка бошлиғи В. Носонов қурилишда механизмлардан самарали фойдаланиш зарурлигини уқтирди. У ҳар хил сабаблар билан юк кўтарувчи кранлар ва бошқа механизмларнинг беиш туриб қолаётганлигини танқид қилди. Шу фикрни дурадгор, партия группаси ташкилотчиси В. Андрющенко ҳам давом эттирди. У 2-темир-бетон буюмлари заводи ишидаги камчиликлар ҳақида кўпроқ тўхталди. Завод бетон қоришмаларини ўз вақтида қурилиш майдонларига етказиб бермаяпти. Кўпинча автомашиналар завод олдида бетон кутиб вақтни беҳуда ўтказаяпти.

Йиғилишда комплекс бригада бошлиғи М. Борисов трест партия комитети адресига жиддий танқидий гапларни айтди.

— Коллективимиз йил бошида оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган эди,— деди у.— Бу мажбуриятлар трест партия комитети томонидан маъқулланди. Лекин оширилган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги билан партком шу кунгача бирон марта ҳам қизиқмади. Сир эмас, қурилишда кўп узилишлар бўлиб туради. Айниқса, бинокорлик материаллари етказиб беришда графиклар тез-тез бузилади. 2-темир-бетон буюмлари заводи бунга мисолдир. Завод раҳбарлари бетоннинг вақтида келмаслигига цемент ва қумнинг йўқлигини рўкач қилишгани-қилишган. Бу аҳвол трест раҳбарларига маълум бўлса-да, лекин таъминотда бирор жиддий ўзгаришлар сезилмаяпти.

Нотиқларнинг сўзларини президиумда ўтирган трест бошқарувчисининг ўринбосари, партия комитети вакили Г. Монатаров ҳам тинглаб борди. Лекин бўлаётган танқидларни оддий гаплар деб ўйлади шекилли йиғилиш охирида коммунистларнинг фикрига ўз муносабатини билдирмади. Йиғилиш қатнашчилари унинг сўзга чиқишини, камчиликларни тугатиш бўйича кўрилаётган чора ва тадбирлардан бохабар бўлишни истаган эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Йиғилиш танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Айниқса, интизомсизлар, ичкиликбозликка ружу қўйган кишилар қаттиқ изза қилинди. Назоратнинг сустлиги учун ҳам ўтган ойларда 40 га яқин киши прогул қилди. Етти киши эса ичкиликбозлик қилиб хушёрхонага тушди. Колонна партия бюроси бундай кишиларга нисбатан кескин чоралар кўрмаяпти, тартиббузарлар билан муроса қилиб ишлаяпти.

Нотиқлардан прораб А. Веретехин коммунистлар активлигини бутун чоралар билан ошириш зарурлигини уқтирди. Бир қатор коммунистлар йиғилишларда актив қатнашмайдилар, муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмайдилар. Бунга Б. Бойжонов, Р. Сафин, В. Янсонс каби коммунистларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Улар аниқ бир топшириққа ҳам эга эмаслар. Пассив коммунистлар партбюро эътиборида бўлиши зарур.

Ҳисобот даврида колонна партия бюроси мажлисларида ва коммунистларнинг йиғилишларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ташкилий-партиявий, ғоявий-сиёсий ишларни такомиллаштиришга оид кўпгина масалалар муҳокама қилинди, муҳим қарорлар қабул қилинди. Лекин бу қарорларнинг бир қисми бажарилмай қолди. Янги сайланадиган состав олдига қабул қилинган қарорлар ижроси устидан алоҳида назорат ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Бу йил коллектив олдида катта вазифалар турибди. Бинокорлар қурилиш-монтаж ишлари планини 25 декабргача бажариш, қўшимча 60 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириш учун курашмоқдалар. Бунинг учун ички имкониятларни тўлароқ ишга солиш, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларига партиявий таъсирни кучайтириш, мажбуриятларнинг бажарилишини кун сайин назорат қилиб бориш лозим бўлади. Йиғилишда коммунистлар кўпгина таклифларни ўртага ташладилар. Улар қанчалик тез амалга ошса, хўжалик ва сиёсий вазифаларни шунчалик тез ҳал этиш, олға томон дадил қадамлар қўйиш имкони яратилади.

О. ХУШНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

БУ ҲАҚДА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

БУ КЛУБЛАР НИМА УЧУН ҚУРИЛГАН?

ПИСКЕНТ РАЙОН МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИДА МЕҲНАТКАШЛАРГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, КЛУБЛАР, МАДАНИЯТ УЙЛАРИДА ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИРЛАР УЮШТИРИШ ИШИ ЯХШИ ТАШКИЛ ЭТИЛМАГАН.

МЕҲНАТКАШЛАРГА маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини, айниқса, шанба, якшанба кунларидаги дам олишларини тўғри ташкил этиш, энг долзарб, муҳим вазифа бўлибгина қолмай, балки даврнинг ўзи, ўсиб бораётган маданий эҳтиёж талаб этаётган жиддий масаладир.

Шунинг учун ҳам бу масала область партия хўжалиги активи йиғилишида махсус муҳокама қилинди. Маданий-оқартув муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, улар хизматидан шанба, якшанба кунлари унумли фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу соҳадаги жиддий нуқсонлар рўй-рост кўрсатилди.

Областимиз районлари, қишлоқларида аҳолининг маданий дам олишлари, маданий-оқартув муассасаларининг шанба, якшанба кунларда хизматлари қандай ташкил этилмоқда? Биз бу сафар ана шу саволга Пискент райони мисолида жавоб бермоқчимиз.

Ўтган шанба куни эди. Биз кечқурун райондаги «Гулистон» колхозининг клубида бўлдик. Тан олиш керак, клуб гавжум, кўпчилик дам олгани келган. Шахмат-шашка учун ажратилган хонада 10 нафар киши ўйин билан машғул. Ўқитувчи А. Билолов, колхозчи Ш. Сарибоев ўртоқлар билан суҳбатлашдик. Улар деярли ҳар куни кечқурун клубда ҳордиқ чиқаришаётганликларини айтишди. Биллиард хонасида ҳам ўйин қизғин эди.

Биз репетиция залида концертга ҳозирлик кўраётган «Гулистон» ансамбли ҳаваскорларининг чиқишларини кузатдик. Концерт программалари мазмунли ва мароқли. Ҳаваскорлар учун бежирим либослар тикиб берилган.

Тельман номли колхоз клубидаги ишлар ҳақида ҳам илиқ сўзларни айтиш мумкин. Бу ерда колхоз раҳбарлари ва маданият ходимлари меҳнаткашларнинг ишдан кейин дам олишлари учун ғамхўрлик қилаётганликлари кўриниб турибди. Якшанба куни эса бу ерда бўлганимизда «Завқ» ансамблининг дала шийпонида концерт кўрсатиш учун тайёрланаётганини кўрдик.

Лекин афсуски, биз райондаги бошқа маданият уйлари ва клублари фаолияти ҳақида бундай мисолларни келтира олмаймиз. Шанба оқшомида «КПСС XXVI съезди» совхозининг маданият ўчоғи бўм-бўш. Ҳеч ким қадам босмайди, маданият уйининг ташқи қиёфаси, ён-атрофлари қаровсиз ётганлиги хафсалани пир қилади. Бинонинг зиналари нураб ётибди. Хуллас, у хароб қилиб ташлаб қўйилган. Ўша оқшомда сарой директорини қидириб топа олмадик. Ҳамроҳимиз — район ижроия комитети маданият бўлимининг мудири Дилбар Зокирова ҳам бу ерда ҳеч иш қилинмаётганлигидан ранжиб гапирди.

Дўнгқўрғон қишлоқ Советининг номигагина клуб деб аталган торгина биносида эса жамоат тартибини сақлаш таянч пункти, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг филиали жойлашган. Бир сўз билан айтганда клуб мутлақо хизмат кўрсатмайди. Участка милиционер-инспектори, кичик лейтенант Ўрол Ортиқов ачиниб гапирди:

— Аввало клубда тузукроқ бир тадбир ўтказишнинг иложи йўқ, ёшлар кейин қаерда дам олишни, вақтни қандай ўтказишни билмайдилар. Шунинг учун ҳам кечқурунлари кўчада тўп-тўп бўлиб юришади. Ахир клуб чинакам маданият марказига айланса ёшлар шу ерга тўпланади-ку! Дайдиш, кўнгилсиз воқеалар бекорчиликдан келиб чиқишини ҳамма яхши билади.

Дўнгқўрғонда-ку маданий ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганлигига клубнинг ночор аҳволи сабабчи экан бироқ ҳашаматли клуб бинолари бўлган Охунбобоев номли ҳамда «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларида маданий-оқартув ишларининг сустлигини нима билан изоҳлаш мумкин. Ахир бу ҳашаматли клуб бинолари нима учун қурилган?!

Район партия-хўжалик активи йиғилишида бу хўжаликлар адресига жиддий танқидий фикрлар айтилган эди. Мана баъзи фактлар: Охунбобоев номли колхозда (правление раиси Муносиб Авазов) 1984 йили клуб ремонти учун маблағ ажратилган, лекин иш охиригача етказилмаган, чала қолиб кетган. Орадан анча вақт ўтганига қарамай, колхоз раҳбарлари бирор амалий тадбир кўрганларича йўқ.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида ҳам худди шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик. Ўтган йили ишга туширилган клуб биносидан фақатгина кино кўрсатиш учунгина фойдаланиляпти, холос.

Рейд давомидаги кузатишлар шуни кўрсатдики, Пискент районидаги маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган маданий хизмат даражаси, айниқса, шанба ва якшанба кунлардаги оммавий-ташкилий ишлар ҳозирги ўсиб бораётган талаблардан анча орқада. Хизматга яроқли бўлган маданият уйлари ва клублар жуда кўримсиз, уларда дидсизлик, пала-партишлик сезилиб турибди, жиҳозларга эътибор берилмайди. Ҳатто энг яхши деб ҳисобланган клубларда ҳам плакатлар, шиор ва стендлар эскириб кетган. Ҳозирги кундаги муҳим воқеалар, ўзгаришлар, янгиликлар асосида алмаштирилиб турилмайди, ўз ҳолича плансиз иш юритилган. Турли темадаги кечалар, қизиқарли учрашувлар, лекция-суҳбатлар ўтказилмайди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, райондаги маданият муассасалари ўтмиш сарқитларига, ичкиликбозлик, безорилик сингари турмуш тарзимизга ёт бўлган иллатларга қарши курашдан четда қолмоқдалар. Кўпгина бадиий ҳаваскорлик коллективларининг репертуари ғоявий ва бадиий жиҳатдан бўш. Бугунги кун талабини қониқтира олмайди.

Бу каби ва бошқа камчилик-нуқсонларни район партия, совет ташкилотлари, райижрокомнинг маданият бўлими, хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари ҳам яхши билишади. Район партия хўжалик активи йиғилишида бундай нуқсонлар тилга олинган, аҳвол таҳлил қилиб берилган эди. Шундан сўнг тадбирлар ҳам белгиланди. Лекин ана шу тадбирларни амалга оширишга киришилганича йўқ. Билмадик, маданий-оқартув муассасалари ишига бундай бефарқ муносабат қачонгача давом этаркин?

Ш. ИСРОИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Т. ҲАСАНБОЕВ,
жамоатчи мухбир.

ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА СОВҒА БЎЛАДИ

ТОШКЕНТ тракторсозлари истиқомат қилаётган уй-жой массиви йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу ерда маданий-маиший муассасалар ҳам тобора кўп қурилмоқда. Жумладан, ҳозир массивда 1568 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб қад кўтармоқда. «Главташкенстрой» 159-трести 22-қурилиш бошқармаси бош пудратчи бўлган бу қурилишда ишлар май ойида бошланган эди. Дастлабки муддатга кўра мактаб қурилиши йил охиригача тугалланиши керак эди. Аммо, бунёдкорлар имкониятларини ҳисоблаб кўриб, мактабни муддатидан илгари — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги байрам қилинадиган кун — 7 ноябргача топшириш мажбуриятини олдилар.

Қурилиш ишлари уч сменада олиб борилмоқда. Унда қатнашаётган барча бригадалар ўзаро шартнома асосида ишламоқда. Ўзлаштирилиши лозим бўлган 600 минг сўм маблағнинг ярмидан кўпроғи фойдаланилди.

Б. АЛИХОНОВ.

ЁШЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

ПОЙТАХТНИНГ Киров районидаги Улуғбек маҳалласи ёшлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ҳар йили март ойининг сўнгги якшанбасида Хотира кунини ўтказиш тўғрисидаги фармонига жавобан хайрли ишга қўл урдилар. Улар бир неча кун ҳаракат қилиб Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган маҳалладошларининг номларини аниқладилар ва алоҳида рўйхатга олдилар. Сўнгра уруш қурбонлари номларини абадийлаштириш мақсадида исм-шарифлари махсус мармар тошга ўйиб ёздирилди.

Ҳозир бу хотира тоши маҳалла клубига кираверишда кўринарли жойга ўрнатилган. Клубга кираётган ҳар бир киши урушда қурбон бўлган маҳалладошларини албатта ёдга олади. Ёшларнинг ташаббуси билан бунёдга келган бу ёдгорлик ҳар йили март ойининг сўнгги якшанбаси куни маҳалла аҳлининг зиёратгоҳига айланиши шубҳасиздир.

С. СУЛТОНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ОҒУГА ОШНО БЎЛМАНГ»

(БИР МАҚОЛАГА ИККИНЧИ ЖАВОБ)

Газетанинг шу йил 9 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолада айрим шоферларнинг маст ҳолда машина бошқараётгани кўнгилсиз оқибатларга олиб келаётгани ҳақида фикр юритилган эди. Бу мақолага Чиноз район ижроия комитетидан олинган жавоб газетанинг 15 август сонида эълон қилинганди.

Ушбу материал юзасидан область пассажирлар ташиш автомобиль тресли бошқарувчисининг ўринбосари Т. М. Мирзабоевдан олинган жавобда айтилишича, мақола Тўйтепа автобус-таксомотор парки коллективининг умумий мажлисида муҳокама қилинган. Автобусни кайф ҳолда бошқарган тартиббузар ҳайдовчи А. Лямин Ўзбекистон ССР Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексининг 41-модда 7-банди бўйича ишдан бўшатилган.

ПАРТИЯНИНГ ҲОЗИРГИ ШАРОИТДАГИ ИДЕОЛОГИК СТРАТЕГИЯСИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Социалистик жамиятимизнинг ҳозирги босқичи кенг маънода сифат жиҳатидан янги социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишни талаб қиляпти. КПСС Марказий Комитетининг апрель ва июль (1985 йил) Пленумларида совет халқи олдида турган бу вазифаларнинг моҳияти очиб берилиб, энг аввало фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикада сифат ўзгаришларига эришиш, уни интенсив ривожлантириш изларига ўтказиш зарурлиги кўрсатилди.

Партиянинг бу кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ этишда инсон омили, совет кишиларининг меҳнат ва сиёсий активликларини, уларнинг онглилигини ошириш, ғоявий эътиқодини кучайтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. «Биз халқнинг жонли ижодига, миллионлаб кишиларнинг турмушнинг барча соҳаларида яхши томонга ўзгариш ясаш учун манфаатдорлик билан муносабатда бўлишларига таянмай туриб тараққиётимизни жадаллаштира олмаймиз», деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

Инсон омилини активлаштиришда эса идеологик иш алоҳида ўрин тутади. Партия томонидан ишлаб чиқилган, узоқ муддатга мўлжалланган ва чинакамига новаторча характерга эга бўлган концепцияга мувофиқ жамиятимизда идеологияга тафаккур, таъсир кўрсатиш ва тарбиялаш соҳаси, деб қараш қарор топмоқда.

Идеологияга бундай ёндошиш биринчи галда шу билан белгиланадики, социализм меҳнаткашларнинг онгли, ижодий фаолиятисиз муваффақиятли ривожлана олмайди. Социалистик жамиятнинг бу қонуний хусусияти ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида айниқса тўлиқ намоён бўляпти. Тажриба мамлакатимиз олдида турган вазифалар нақадар мураккаб ва кенг кўламли бўлса халқ оммаси жонли ижодининг, улар меҳнат ва сиёсий активлигининг, ғоявий эътиқодининг роли шунчалик ортишини кўрсатмоқда. Партиямиз томонидан белгилаб берилган социал-иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш вазифасининг муваффақиятли амалга оширилиши пировард натижада ҳар бир меҳнаткашнинг ишлаб чиқаришнинг чинакам хўжайини сифатидаги ташаббускорлиги, омилкорлиги ва ишчанлигига боғлиқ бўлади.

Совет кишиларида чуқур илмий материалистик дунёқарашни, марксча-ленинча эътиқодни шакллантириш Коммунистик партиянинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилади. КПСС нинг идеологик ишни такомиллаштириш концепцияси асосида бу соҳада тарғибот ва ташвиқот ишларини планли ва системали олиб боришга, унинг ҳаёт, социалистик жамиятни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлишига эътибор кучайтириляпти. Бунинг учун партия ташкилотлари ҳозир идеологик ишда совет кишиларининг билим савияси ва малакасини, уларнинг муттасил ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олмоқдалар. Шу мақсадда оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар олиб бориладиган конкрет меҳнат коллективи, аҳоли ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказиляпти.

Республикамиз партия ташкилотлари ҳам КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми ҳамда шу масала юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот конференциясида олға сурилган вазифаларни амалга ошириш учун идеологик жабҳадаги ишларга биринчи даражали аҳамият бермоқдалар. Ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтиришда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Мазкур пленум қарорлари асосида идеологик ва оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини пасайтирган салбий ҳодисаларни, социал адолат принциплари бузилиши ҳолларини бартараф этиш учун қатъий кураш бошланди. Жумладан, пойтахт области партия ташкилотларида кейинги пайтларда меҳнаткашларни ватанпарварлик, интернационализм, юксак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашда, атеистик ишда, қарши пропагандани йўлга қўйишда муайян ижобий силжишларга эришилди. Айниқса, Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозлари ва бир қанча бошқа партия ташкилотларининг идеологик ишни қайта қуришдаги тажрибаси диққатга сазовордир.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби идеологик ишда ҳам кадрлар масаласи марказий ўрин тутади. Мазкур партия ташкилотлари идеология ходимларининг аттестациясини ўтказиб тўғри қилишди. Унинг давомида талайгина лекторлар, агитатор ва сиёсий ахборотчилар номигагина идеология активлари рўйхатида туришлари, улар амалда меҳнат коллективлари ва турар-жойларда бирор ғоявий-сиёсий ва тарбиявий иш олиб бормасликлари маълум бўлди. Масалан, Орджоникидзе ва Ғалаба районларида «Билим» жамияти аъзоларининг қарийб ярмига яқини аттестациядан ўта олмади.

Ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг самарали, кишиларда актив ҳаётий позицияни шакллантирадиган шакл ва услубларидан кенг қўлланишга эътибор кучаяётганлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Аввалари бу соҳада ҳам кўпроқ миқдор кўрсаткичларига—ўқилган лекциялар ва ўтказилган суҳбатлар, тадбирларда иштирок этган кишилар сонига аҳамият берилиб, ғоявий-тарбиявий ишнинг самарадорлиги, унинг социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга кўрсатаётган таъсири унутиб қўйиларди.

Кейинги пайтларда эса партия ташкилотлари тарғибот ва ташвиқот ишларида расмиятчилик, бадиҳагўйлик ҳолларига барҳам бериб, меҳнаткашлар билан жонли мулоқот бўлиш, улар билан ҳақиқат тилида гаплашиш учун қатъий кураш олиб боряптилар. Республикамизнинг ҳамма жойларида бўлгани каби пойтахт областининг корхона ва ташкилотлари, хўжаликлар ва муассасаларида ўтказилаётган ягона сиёсий кунлар омма билан жонли мулоқотнинг энг самарали шаклларидан бирига айланди. Суҳбат ўтказаётган сиёсий докладчиларнинг аксарият кўпчилиги партия комитетлари, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари эканлиги диққатга сазовордир. Улар суҳбат давомида меҳнаткашларни у ёки бу долзарб масаладан хабардор қилибгина қолмасдан, ягона сиёсий кун қатнашчиларининг кўпдан-кўп саволларига батафсил жавоб бермоқдалар. Партия комитетлари ягона сиёсий кунда кўтарилган масалалар бўйича алоҳида қарорлар қабул қиляптилар, меҳнаткашлар билдирган таклиф ва мулоҳазаларнинг бажарилишини ўз назоратларига олганлар.

Партия ҳозирги шароитда кишилар онгида ва кайфиятида туб ўзгариш ясашни талаб этмоқда. Бунинг учун идеологик таъсир кўрсатишнинг ҳамма воситаларидан, шу жумладан марксча-ленинча таълим системасидан ҳам самарали фойдаланиш керак. КПСС Марказий Комитетининг бу масала бўйича қарорлари асосида партия ўқуви ва меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими қайта қурилди. Сиёсий ва иқтисодий ўқув ҳар бир меҳнат коллективи ҳал этаётган конкрет вазифаларга яқинлаштирилди. Якунланган ўқув йили мактаб ва семинарларда назарий масалалар билан бир қаторда амалий вазифалар ҳам чуқур ўрганилганлигидан далолат берди. Тингловчилар пропагандистлар ёрдамида шахсий социалистик мажбуриятларини ишлаб чиқдилар ва машғулотларда бу мажбуриятларини ҳимоя қилдилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, иқтисодий тежамкорликни кучайтиришга қаратилган рефератлар тайёрлаш, бу масалалар бўйича амалий машғулотлар ўтказиш ҳам меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашяпти.

Коммунистик партия ўн иккинчи беш йилликда фан-техника тараққиётини кескин жадаллаштириш вазифасини қўяётган экан, марксча-ленинча таълим системасида янги ўқув йилида экономикани интенсивлаш масалаларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз. Партия комитетлари ҳам ҳозирдан бошлаб мактаб ва семинарлар тингловчиларини белгилаш, сиёсий ўқув ташкилотчиларини танлаш, жой-жойига қўйиш, улар малакасини оширишни диққат марказларида тутишлари лозим.

Идеологик жабҳада сўз ва иш бирлигини таъминлаш жуда муҳимдир. Одамлар минбардан айтилган сўз билан кундалик турмушдаги воқеалар ўртасида фарқ борлигини кўриб турсалар энг эҳтиросли пропаганда ҳам кўзланган натижани бермайди. Бу тарғиботчи ва ташвиқотчилардан ғоявий-тарбиявий ишда партиявий принципиалликни, ўткир масалаларни дадил кўтариб чиқишни, камчиликларни рўй-рост очиб ташлашни талаб этади. Умуман идеологик иш социал-психологик муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиши керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир иш участкасида партия, давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга муросасизлик, соғлом турмуш тарзи учун кураш тарғибот ва ташвиқот ишларининг энг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Шу муносабат билан совет кишиларида марксизм-ленинизм идеалларига чуқур ишонч билан суғорилган ғоявий эътиқодни шакллантириш катта аҳамиятга эга. Жаҳонда икки ижтимоий система ўртасида мафкуравий кураш ғоят кескин тус олган, ғоявий муҳолифларимиз идеологик кўпорувчилик қилишга бориб етаётган ҳозирги шароитда ер куррасида бўлаётган воқеаларга синфий позициядан туриб баҳо бера олиш жуда муҳим. Идеология ходимлари социализм ғалабаларини, совет турмуш тарзининг жозибасини эҳтирос билан пропаганда қилишлари, айни пайтда буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига муросасиз бўлишлари даркор. Бир сўз билан айтганда қарши пропаганда ҳужумкор, чуқур асосли ва изчил бўлмоғи керак.

Сўнгги вақтларда атеистик пропаганда анча кучайганлигига қарамай кишилар онгидаги эскилик сарқитлари ва диний хурофотлар кўринишлари ҳали ҳам учраб турипти. Бу тарғибот ва ташвиқот ишларимиздаги камчиликлардан ҳам далолат беряпти. Айрим партия ташкилотлари атеистик пропагандани пухта тузилган режа асосида доимий олиб бора олмаётганликлари учун ҳам шундай бўлмоқда. Кишиларда чуқур илмий материалистик дунёқарашни шакллантириш собитқадамлик, сабот билан кураш олиб боришни талаб этадиган иш. Шунинг учун атеистик тарбия бутун идеологик ишимизнинг доимий таркибий қисми бўлиши лозим.

КПСС XXVII съездига тайёргарлик тобора кучаётган ҳозирги пайтда идеологик ишни давр талаби даражасига кўтариш партия комитетлари олиб бораётган ташкилотчилик ва тарбиявий ишларнинг энг муҳимларидан бири саналади. Чунки олдинда турган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш биринчи галда кишиларимизнинг меҳнат ва сиёсий активликларига боғлиқдир. Идеология ходимлари уларни янги-янги марраларни забт этишга руҳлантириб туришга, коммунистик руҳда тарбиялашга даъват этилганлар. Партиямизнинг тараққиётимизнинг ҳозирги босқичдаги идеологик стратегияси ҳам шу мақсадга — коммунистик жамиятнинг онгли курашчисини тарбиялашга қаратилгандир.

Л. БЕЛЯВСКИЙ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

● **СУРАТЛАРДА:** бу маданият уйига (чапдан ўнгга) киришга жазм қиладиган мард топиладиган бўлса, у аввало дабдаласи чиқиб кетган зиналардан сакрашни ўрганиши керак. Энг юқори поғанага етгач эса, «сим-сим оч эшикни» деб кўрсин, ажаб эмас мўъжиза рўй берса... «КПСС XXVI съезди» совхозидаги бу клуб эшигининг худди шу ҳолда «тишини тишига қўйиб» яшаётганига кўп йиллдан ошди; Дўнгқўрғон қишлоқ Совети клуби. Бунга ном берган одамларга ҳам қойил қоласан, киши. Клуб атрофини ахлат дўнгликлари босиб кетишини, кейин бу дўнгликлар клубни қўрғондек ўраб олишини қаердан билишди экан-а ўшанда; Охунбобоев номли колхоз клубининг иситиш системаси бир неча йиллар давомида ремонтчиларни кута-кута тоқати тоқ бўлди. Улардан дарак бўлмагач, ўтган йили ўзини ўзи йўқ қилиб қўя қолди. Яқинда колхоз раҳбарлари унинг «йиллигини нишонлашди».

Фотолар авторларники.

ЭРТАГА—ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЭРТАГА ўрмон ходимлари куни. Барча совет кишилари қатори ўрмончилар ҳам ўзларининг анъанавий байрамларини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бу соҳада Тошкент ўрмон ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам бир мунча ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Кейинги йилларда бирлашмага қарашли ўрмон хўжаликларида ихота дарахтзорлар, кўчатзорлар кенгайди. Ёрдамчи хўжаликларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури кўпайиб, салмоғи ортди, сифати анча яхшиланди. Айниқса, Бурчмулла ўрмон хўжалиги ходимлари яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Суратда: бош ўрмончи Абдураҳмон Ўролов ходимлари билан кўчатларнинг ривожини кўздан кечирмоқда.

В. Портнов фотоси.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲУЗУРИДА

45 ЙИЛДАН БЕРИ ДАЛАДА

УЛУҒ Ватан уруши қатнашчиси ва меҳнат ветерани Солиҳ ака Каримовни фақат Калинин районидагина эмас, балки областимизда ҳам кўпчилик танийди. Ҳамкасблари унинг номини тадбиркор деҳқон сифатида тилга олиб, ҳақиқий деҳқон ўғли деб эъзозлашади. Ёшлар эса устоз, деб мурожаат қилишади. Бундай эл меҳр-муҳаббатига сазовор бўлишнинг боиси бор, албатта. Мана, 45 йилдирки, у Калинин номли колхозда сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Аммо гап ортда қолган йилларда эмас, уларнинг салмоғида. Ўтган давр мобайнида Солиҳ ака ҳалол меҳнати билан элга танилди, ҳақиқий деҳқон эканлигини амалда исботлади.

У бошчилик қилаётган бригадада 18 киши меҳнат қилади. Аммо уларнинг зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифа юклатилган. Яратилган янги навли сабзавотлар кўпинча шу бригада далаларида экилиб синовдан ўтказилади, сўнгра бошқа хўжаликларга «йўлланма» олади.

Бригада деҳқонлари шу мақсадда мавжуд 40 гектар ернинг ҳар бир қаричидан унумли-режали фойдаланишга ҳаракат қиладилар: 12 гектар ерда картошка, 2 гектар ерда пиёз, 3 гектар майдонда сабзи, 5 гектар ерда помидор ва карам, қолган қисмига эса бошқа экинлар экилади. Бригадага ажратилган маҳаллий ва минерал ўғитлар расамади билан ўз вақтида экинларга бериб борилади. Шу туфайли ҳам йил сайин бригадада ҳосилдорлик ошиб бормоқда. Жумладан, 1982 ва 1983 йиллар якунига кўра бригада сабзавот ва картошка маҳсулотлари етиштириш бўйича республикада биринчи ўринни эгаллади. Коллективнинг номи Ўзбекистон ССР Меҳнат Шуҳрати китобига ёзилди. Бригада бошлиғи С. Каримов 1981 йилда У. Юсупов номидаги область мукофоти лауреатлигига, 1983 йилда эса СССР Давлат мукофоти лауреатлигига муносиб деб топилди. Бригада аҳли етиштирган маҳсулотлар Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бир неча бор муваффақиятли намойиш қилиниб, кўргазма медали билан тақдирланди.

Ўтган йили бригада деҳқонлари эришилган ютуқларни янада мустаҳкамладилар. Ҳосилдорликни гектар бошига 300 центнерга етказиб бу борадаги планни икки баравар зиёдаси билан бажардилар. Бу йил Солиҳ ака бошлиқ бригада деҳқонлари областимизнинг бир группа сабзавоткорлари ташаббусига қўшилиб гектарлар ҳосилдорлигини янада оширишга, давлатга пландаги 135 тонна ўрнига 200 тонна картошка топширишга аҳд қилганлар.

О. КАРИМОВА.

БОҒБОН ТАШВИШЛАРИ

Ғанижон тоғ ён бағрида ястаниб ётган узумзор оралаб, ҳосил чўғини кўздан кечирар экан, ўзича мамнун жилмайиб қўйди. Сўнгра бир бош кишмишни узиб олиб, ариқ бўйига энгашди. Бироқ узумни сувда чайгач, негадир ейишга кўнгли бўлмади. Тонг қуёши нурларида олтиндек товланаётган ғужумларга қараганча бир муддат ўйга толди.

...Ғанижон ёшлигиданоқ отаси ёнида юриб, боғбонлик илмини бирмунча тушуниб қолган эди. Шу боисдан ўрта мактабни битиргач Тошкентдаги қишлоқ хўжалик техникумининг агрономлик факультетига ўқишга кирди. Сўнгра Паркент районидаги Энгельс номли совхозга қайтиб, агроном Арол Юсупов, тажрибали боғбонлар — отаси Нишонбой Имомов ҳамда Маҳамад Икромовлар билан ҳамкорликда ишлаб, назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Орадан тўрт йил ўтгач устозлар уни 3-бўлимдаги 2-бригадага раҳбарликка тавсия этишди. Ҳарҳолда уларнинг ишончи оқланди. Бригада аъзолари билан тезда тил топишиб кетди. Улар билан бамаслаҳат иш юритиб, асосий диққат-эътиборни токзорларни кенгайтиришга, ҳосилдорликни оширишга қаратди.

Бугунга келиб бригада токзори 52 гектарга етди. Шундан 25 гектари ҳозир тўла ҳосилга кирган. Коллектив аъзолари бу йил ялпи ҳосилдорликни 230 тоннага етказиш йўлида қизғин кураш олиб бормоқдалар.

— Истеъмолчиларга асосан «Паркент гули» ва «Кишмиш» навли харидоргир узумларни етказиб бериш азму-қароримизга айланган,— дейди бригада бошлиғи Ғанижон Туропов. — Шунинг учун ҳам бригадамизда етиштирилаётган маҳсулотга кўплаб шаҳарлардан талабномалар келмоқда. Ҳатто Россиянинг турли шаҳарлари аҳолиси ҳам биз етказиб берган маҳсулотлардан мамнун бўлмоқда. Бу ютуқларга эришишимизда механизаторимиз Йўлдош Эргашев, ишчиларимиздан Шовали Бўрибоев, Бозорбой Турғунов, Зайнабхон Жаматова ва Азизахон Ҳасановаларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Бироқ бизнинг янада унумли ишлашимизга, ҳосилдорликни ҳар қачонгидан оширишимизга халақит бераётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи симбағазлар учун устунлар етишмаслиги туфайли узумзорларимиздаги деярли барча токлар ербағирлаб ётипти. Агар биз уларни ишкомларга кўтарганимизда эди, ишлов бериш анча ўнғайлашарди, ҳосилдорликни яна 40 центнерга кўпайтириш имкониятига эга бўлардик.

Дарвоқе, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам областимиз хўжаликларида йўл қўйилаётган ана шу каби камчиликлар оҳир-оқибатда ҳосилдорликни пасайтириб юбораётганлигини, натижада маҳсулот сифати бузилиб, харидорларнинг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлаётганлиги тўғри таъкидланган эди. Бу каби камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда совхоз раҳбарлари ва мутахассислари бригада аҳлига яқиндан ёрдам бериш чора-тадбирларини кўришлари керак. Ана шундагина хўжаликнинг барча боғдорчилик бригадаларида кўзланган мақсадга эришилади. Совхоз деҳқонлари КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиб, СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

П. ЭРГАШЕВ.

АВЛОДЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙ

ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР—УМУМХАЛҚ МУЛКИ

ЎТМИШНИНГ тарихий воқеаларига, хотира ёдгорликларига мурожаат қилмай туриб меҳнаткашларни, айниқса ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мумкин эмас. Хотира—ватанпарварлик туйғуларини уйғотиш ва ривожлантириш воситасидир. Ватан қудратини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги ютуқларга буюк инқилобни тайёрлаган ва амалга оширган шонли авлод асос солган эди. Шу авлоднинг ўзи кейинги авлод билан елкама-елка туриб Совет давлатини фашизм офатидан омон сақлаб қолди. Уларнинг жасоратларидан ҳам маънавий, ҳам жисмоний куч-қувват олган авлод эса поёни йўқ қўриқ ерларни, дашт ва чўлларни ўзлаштириб халқ бойлигига беқиёс бойлик қўшди.

Буларни унутиб бўлмайди. Авлодлар жасорати ҳамиша халқ қалбида яшайди, келажак учун мерос бўлиб қолаверади.

Шу боисдан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ҳар йили март ойининг сўнгги якшанбасида Хотира кунини ўтказишга қарор қилингани айни муддао бўлди. Ватанпарвар кишилар ўтган аждодларимизнинг порлоқ хотирасини, уларнинг шонли анъаналарини муносиб қадрлайди, ҳеч қачон унутмайди, доимо авайлаб асрайди.

Областимизда ўтган аждод ва уруш қурбонларининг порлоқ хотиралари ҳурмати рамзи бўлган оддий ҳайкал ва йирик ёдгорликлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Халқ депутатларининг маҳаллий Советлари тарихий ва маданият ёдгорликларини авайлаб асрашмоқда.

Тарихий ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш область жамияти ходимлари, унинг шаҳар ва районлардаги вакиллари маданий меросларимизни пропаганда қилиш, ўз ташкилотларининг оммавийлигини ошириш чораларини кўраётирлар. Ҳозир область жамияти аъзоларининг сони 500 минг кишидан ошди. Улар сафида партия, меҳнат ва уруш ветеранлари, турли касб-ҳунар эгалари, оддий ишчилар ва ўқувчи ёшлар бор. Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида ёдгорликларни асраш ва пропаганда қилиш ишига кўпроқ ишчи ёшлар, студентлар ва мактаб ўқувчилари жалб этилаётир. Шаҳар Советлари ижроия комитетлари бу соҳада актив иш олиб бормоқдалар.

Ҳар йили март ойининг охирги якшанбасида ўтказиладиган Хотира кунида маҳаллалардаги қабристонлар, қардошлик мозорлари ҳам зиёратчилар билан гавжум бўлади, албатта. Одамлар марҳум ота-оналари, ёр-биродарлари, қалбга яқин кишилари, Ватан ва эл-юрт учун жонбозлик кўрсатган фидойиларнинг қабрларини зиёрат қилиб, порлоқ хотираларини ҳурмат билан ёдга оладилар.

Аммо афсуски, кўпгина (айниқса қишлоқлардаги) мозорлар қаровсиз ташлаб қўйилган. Вақти билан тозалаб турилмайди, ўт босиб кетган. Область районларини айланган киши уруш қурбонлари хотираси учун ўрнатилган айрим обелиск ва ёдгорликларнинг ҳам қаровсиз қолганлигини кўриши мумкин. Оққўрғон, Оҳангарон, Калинин, Паркент, Пискент, Чиноз, Тошкент, Янгийўл районларидаги айрим ёдгорликларнинг ҳозирги қиёфаси кишини ранжитади. Бунинг учун фақат ёдгорликларни асраш жамияти ёки маданият бўлимлари ходимларини ёки оталиқ ташкилотлар ҳисобланувчи хўжаликларнинг раҳбарларинигина айблаш нотўғри бўлур эди. Чунки бу ҳамманинг иши. Зотан, хотира ёдгорликлари ҳам умумхалқ мулкидир.

Яна бир муаммо хусусида тўхталишга тўғри келади. Кейинги йилларда кўпгина қишлоқларнинг активлари аҳолидан маблағ тўплаб ёдгорлик ёки обелисклар қурмоқдалар. Урушда ҳалок бўлган ҳамқишлоқлари хотирасини бундай йўл билан абадийлаштириш яхши одат. Қолаверса, бу — ҳаммамизнинг бурчимиз. Аммо, ёдгорлик ва монументларни лойиҳалаштириш ва ўрнатиш тўғрисидаги махсус тартиб-қоидани ҳам унутмаслик керак. Уларни партия ва совет органларининг рухсатисиз қуриш тақиқланади. Бироқ айрим қишлоқларнинг активлари, хўжаликлар нинг раҳбарлари ана шу қоидага амал қилмаяптилар. Оқибатда кўп жойларда ўзбошимчалик билан «қўл бола» қилиб қурилган ёдгорликлар на ташқи кўриниши билан, на мазмун-эътибори билан талабга жавоб беролмайди.

Масалан, Калинин районининг ўзида бу йил уруш қурбонлари учун қурилган 4 та ёдгорлик очилди. Аммо уларнинг авторлари ҳам, сарфланган маблағ ҳам, қандай йўл билан қурилгани ҳам номаълум. Мармар, гранит ва бетондан шундай пала-партишлик билан ёдгорлик қурилишига бефарқ қаралган.

Бундай ўзбошимчаликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар қандай ёдгорлик, аввало — монументал санъат асаридир. Унинг ўз қонуниятлари бор. Бу қонуниятлар таваккалчилик ва пала-партишликни кўтармайди.

Маҳаллий Советлар кенг имконият ва ҳуқуқларга эга. Улар меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини оширишга, совет турмуш тарзини барқарор қилишга даъват этилганлар. Бу муҳим вазифани муваффақиятли бажариш учун эса тарихий ва маданият ёдгорликларини авайлаб асраш ва пропаганда қилиш соҳасидаги фаолиятларини янада жонлантиришлари керак.

М. МИРСОАТОВ,
Ўзбекистон тарихий ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти область советни раисининг ўринбосари.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

16 СЕНТЯБРДАН 22 СЕНТЯБРГАЧА

ДУШАНБА, 16. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 «Қувноқлар...» Мамлакатимиз республикалари социалистик мамлакатлар жонглёрлари, акробатлари, иллюзионистларидан ибрат халқ коллективлари иштирокида цирк программаси.
11.10 «Кутузов». Бадиий фильм.
12.00 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Телефильмлар.
16.00 Мультфильм премьераси.
16.20 «Узеир Гаджибеков. Узоқ аккордлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
17.45 Телефильм.
18.35 Баскетбол бўйича Европа чемпионати.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.00 Мультфильмлар.
20.20 «Хом малина». СССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Хом малина» фильм-спектаклининг давоми.
22.55 Футбол шарҳи.
23.25 «Дунё воқеалари».

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Ҳужжатли фильм.
9.35 ва 10.35 Табиатшунослик.
9.55 Илмий-оммабоп фильм.
10.05 «Рус тили».
10.55 «Микроолам одимлари». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 Олам материалист кўзи билан.
11.35 ва 12.40 Астрономия.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 «Ўқитувчига музика сабоғи».
14.15 Илмий-оммабоп фильм.
14.25 География.
14.55 «Сенинг ленинча кутубхонанг».
15.20 «Ростов финифти». Илмий-оммабоп фильм.
15.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
16.00 ва 18.30 Янгиликлар.
18.45 Ҳужжатли фильм премьераси.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан».
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Пейзаж». Ҳужжатли фильм.
21.00 Баскетбол бўйича халқаро учрашув.
21.30 «Время».
22.05 «Нариги томон бўйлаб». Бадиий фильм.
23.40 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 Т. Қурбонов. 4-қисмдан иборат сюита.
8.00 «Салом, кичкинтойлар».
8.10 «Ўзбекистон яркирама тошлари». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
8.20 «Ота-оналарга болалар ҳақида».
8.30 «Ахборот».
8.50 «Уссурий қўриқхонаси». Телефильм.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Гулхан» журнали саҳифаларида.
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат...».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Халқаро аҳвол кундалиги.
20.00 Камер куйлари кечаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча ва концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Ойбек туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча ва концертнинг давоми. Кўрсатув тугагач —кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.05 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Болалар учун фильм.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Завқли маскан» (такрорий).
18.40 Ҳужжатли фильм.
19.00 «Қизиқувчилар экрани».
19.30 Телефильм.
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Улар ўта олмайди». Бадиий фильм.
21.30 **МТ II.**

СЕШАНБА, 17. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Биз ҳаммамиз тинчлик тарафдоримиз». Концерт.
10.10 И. Губач. «Хом малина». Фильм-спектакль.
12.10 «Ноқулай киши». Телефильм премьераси.
12.40 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Телефильм.
15.30 «Кетуш» фольклор коллективининг чиқиши (Ангола Халқ Республикаси).
15.50 «Стадион ҳамма учун».
16.25 «Узеир Гаджибеков. Узоқ умр аккордлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
17.40 «Космонавтлар ерда туғиладилар». Телефильм.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.05 «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Олам кинокамера кўзгусида».
23.20 «Дунё воқеалари».

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Ҳужжатли фильм.
9.35 В. В. Маяковский. «Жуда соз».
10.35 ва 13.10 Француз тили.
11.05 Рационализаторлик ва ихтирочилик.
11.35 ва 12.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.40 Илмий-оммабоп фильм.
13.50 «Мен флотни ёзаман». Л. Соболев ижоди ҳақида.
14.45 Тасвирий санъат.
15.15 Д. И. Фонвизин. «Думбулбойвачча».
16.00—18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
19.15 Парашют кўп кураши бўйича СССР чемпионати.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Телевизион бадиий фильм.
23.20 Илмий-оммабоп фильм.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Тонгги тароналар». ЎзССР Давлат телерадиоси чолғу ансамблининг солисти Т. Ражабов.
8.00 «Пионер телетайпи».
8.10 «Тоғларда куз». Телефильм.
8.20 «Илғор тажриба —ҳаммага».
8.30 «Ахборот».
8.50 «Шарқ фантазияси». Ҳужжатли фильм (Ўзбектелефильм).
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Звезда» (Жиззах). «Пахтакор». Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Хирмонингизга барака».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Тошкентнинг олтин кузи». IV Бутуниттифоқ санъат фестивали. Кўрсатувлар тугагач — Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.05 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Болалар учун фильм.
18.10 «Диққат—темир йўл» (рус.).
18.30 Ҳужжатли фильм.
18.40 «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Дўстлик тароналари».
20.55 Телефильмлар.
21.30 **МТ II.**

ЧОРШАНБА, 18. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 Мультфильм.
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.10 «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм.
12.35 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Телефильмлар.
15.50 «Буратино кўргазмаси».
16.25 Финляндиядан музикали кўрсатув.
16.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.30 «Тарих саҳифалари».
18.15 Мультфильм.
18.25 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Бегона ҳодиса». Телевизион бадиий фильм премьераси.
20.40 Баянчилар намунали оркестрининг чиқиши.
21.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Черноморец» — «Вердер» (ГФР) 2-тайм.
21.45 «Время».
22.15 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Висмут». (ГДР) — «Днепр». 2-тайм.
22.45 «Агар соғлом бўлай десанг».
23.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Спартак» — «Турун Паллосеура» (Финляндия). 2-тайм. Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. 1/16 финал. «Зенит» — «Валеренген» (Норвегия). 2-тайм.
23.45 «Дунё воқеалари».
24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Орджоникидзе». Телефильм.
9.35 В. Луговский поэзияси.
10.15 Қуёш ва қуёш системаси.
10.35 ва 14.10 Немис тили.
11.05 В. Г. Короленко. «Ер тўладаги болалар».
11.35 ва 12.40 Умумий биология.
12.05 «Сиз яратган боғ».
13.10 Тарих.
13.40 Зоология.
14.10 Илмий-оммабоп фильм.
14.50 А. Н. Островский. «Момақалдироқ».
15.35 «Оилавий турмуш этикаси ва психологияси».
16.00 ва 18.30 Янгиликлар.
18.45 «Қишлоқ янгиликлари».
19.45 Халқаро конкурс лауреати С. Ролдугин чалади (виолончель).
20.00 Тележурнал.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Музикали киоск».
21.15 «Жонажон ўлка жилолари».
21.45 «Время».
22.15 А. Макаёнок. «Тил остига таблетка. Москва академик сатира театрининг фильм-спектакли.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 Ҳамза номидаги Тошкент музика билим юртининг скрипкачилар ансамбли ижро этади.
8.00 «Салом, кичкинтойлар!».
8.10 «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш».
8.20 Телефильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 «Қарға». Телефильм.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 «Қалбларимизда фестиваль (такрорий).
19.10«Пахта тозаловчиларнинг янги марралари».
19.30 «Ахборот»— (рус.).
19.45 Халқаро аҳвол кундалиги.
20.00 «Инсон болаликдан бошланади».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ёзувчи ва замон».
21.30 Кинопрограмма.
21.45 Москва. «Время».
22.15 Музикали—адабий композиция.
23.00 Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.00 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Музикали телефильм. (рус.).
18.10 Телефильм.
19.00 XIV—XVI асрларда ўзбек адабиёти.
9.30 «Юрмала—йил мобайнида». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Операларда саҳналар.
21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи— ақлнинг кўзи» кўрсатуви адресига келган хатларга обзор.
21.45 **МТ II.**

ПАЙШАНБА, 19. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ўсмирлар ижоди».
10.10 «Ҳайвонот оламида».
11.10 «Бегона ҳодиса». Телевизион бадиий фильм премьераси.
12.20 МТ ва БР эстрада — симфоник оркестрининг концерти.
12.50 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Қувноқ стартлар».
16.50 Л. Бетховен. 5-симфония.
17.25 Мактаб ўқувчилари учун илмий—ўқув кўрсатуви.
17.55 Халқ хор капелласининг концерти.
18.25 Мультфильм.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.10 «Ковпак ҳақида ўйлар». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.05 «Дунё воқеалари».

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Ҳужжатли фильм.
9.35 ва 10.35 А. С. Пушкин. «Капитан қизи».
10.05 ва 14.05. Испан тили.
11.05 Ўрта Осиё табиати.
11.35 ва 12.40 Зоология.
12.00 «Оила ва мактаб».
12.30 Илмий-оммабоп фильм.
13.05 Тарих.
13.35 Умумий биология.
14.35 «Кўкламги чақириқ». Бадиий фильм, субтитр билан.
10.05 ва 18.30 Янгиликлар.
18.45 М. Юлинка. «Тугалланмаган соната».
19.00 «Шахмат мактаби».
19.30 Ритмик гимнастика.
20.00 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларнинг VI Халқаро фестивали.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Футбол. Кибок эгаларининг кубоги. 1/16 финал. «Утрехт» (Голландия)— «Динамо» (Киев).
21.30 «Время».
22.05 «Ўзингни синаб кўр». Телевизион бадиий фильм.
23.20 Белоруссия ССР Давлат «Хорошки» фольклор-хореографик ансамблининг концерти.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Джаз шинавандаларига».
8.00 Ишчи ёшлар учун.
8.30 «Ахборот».
8.50 Телефильм.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Саноатда тежамкорлик муаммолари» (рус.).
18.45 Болалар учун фильм.
19.10 «Чорвачилик— зарбдор фронт».
19.30 «Ахборот». (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телеклуби.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирежёр ҳикоя қилади».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона сиёсий кун».
22.35 «Тақдир». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»).
23.05 Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.05 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Болалар учун фильм.
17.30 Реклама.
17.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол» Қизлар конкурс программаси (такрорий).
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Ватандан узоқда». Бадиий фильм.
21.30 **МТ II.**

ЖУМА, 20. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 Буратино кўргазмаси.
10.25 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар.
11.05 «Ковпак ҳақида ўйлар». Бадиий фильм, 1-серия.
12.20 Телефильм премьераси.
12.40 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 «Ишончли одам». Телефильм премьераси.
15.40 «Подмосковье қишлоқларининг бугуни ва эртанги куни».
16.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
18.00 «Рус тили».
19.00 «Халқ куйлари».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Вақт тақазоси». «Жойида ҳал этилмоқда» туркумидан.
20.15 «Ковпак ҳақида ўйлар. Бадиий фильм 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Опера санъати усталари».
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестри чалади.
00.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Ҳужжатли фильм.
9.35 ва 10.35 Тарих.
10.35 ва 13.10 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига.
11.35 ва 12.40 Тарих.
12.05 Г. Абашидзе поэзияси.
13.40 Рус тасвирий санъати.
14.10 География.
14.40 «Тарих саҳифалари».
15.35 «Билимимиз —қудратимиз». Тележурнал.
16.05 ва 18.30 Янгиликлар.
18.45 Телефильм. Премьераси.
18.55 «Мен кутаман». Телевизион бадиий фильм.
20.20 «Чимён бир кун». Телефильм премьераси (Тошкент).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Онамларнинг мактаби».
21.15 Халқ куйлари.
21.30 «Время».
22.05 Спортнинг ҳарбий—амалий кўп кураши бўйича СССР чемпионати.
22.35 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Торпедо» — «Торпедо» 2 ва 3-даврлар.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 Фортепьяно куйлари.
8.00 «Салом, кичкинтойлар!».
8.10 Студент ёшлар учун.
8.30 «Ахборот».
8.50 «Фарғона — олтин водий». Ҳужжатли фильм.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Беш йиллик—менинг тақдиримда».
18.45 «Самовий саёҳат». Қўғирчоқ фильм.
19.00 «Мусобақа—омма ижоди».
19.30 «Ахборот». (рус.).
19.45 Халқаро аҳвол кундалиги.
20.00 «Ўсмир ва қонун».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Саодат», журнали саҳифаларида».
21.20 «Шамол, мени қувиб ет», Ҳужжатли фильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.
22.45 «Ўзбекистон флораси». Телефильм.
23.05 Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.10 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Болалар учун фильм.
17.15 Телеспектакль (рус.).
18.25 «Шаҳар романси». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Теннис бўйича ўсмирларнинг V Халқаро турнири репортаж (ёзиб олинган).
20.50 «Нальчик». Телефильм.
21.00 «Яхши кайфият хизмати». (рус.).
21.30 **МТ II.**

ШАНБА, 21. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Илмий-оммабоп фильм.
10.00 Актуал мавзуларда. «Халқ истеъмоли моллари».
10.30 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». И. Левитан.
11.00 «Ковпак ҳақида ўйлар. Бадиий фильм. 2-серия.
12.15 В. Моцарт. Ведьторн ва оркестр ижроси учун концерт.
12.25 «Едингдами, ўртоқ...».
12.55 Фильм концерт.
13.25 «Ўсимликлар олами».
14.10 Тележурнал.
14.40 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммасининг VI халқаро фестивали.
15.10 «Дунё воқеалари».
15.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.25 Болалар учун фильм.
18.35 «Иқтисодий шарҳ».
19.05 Енгил атлетика СССР, АҚШ, Япония терма командаларининг матчи.
19.50 Ю. А. Жуков суҳбати.
20.25 Социалистик мамлакатлар бадиий коллективларининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Севги кунлари». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Тонгги почта».
10.00 «Арам Хачатурян—рассом, гражданин». Телефильм премьераси». 3-серия.
11.05 Телефильм премьераси.
11.20 Ленинград телевидениеси ва радиоси В. П. Соловьев—Седой номли эстрада симфоник оркестрининг концерти.
11.50 «Саёҳатчилар клуби».
12.50 УКРАИНА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
14.15 Н. Соловьёв иштирокида фильм-концерт премьераси.
14.45 «Сен бўлмасанг, бошқа ким». Бадиий фильм.
16.00 Брест шаҳри ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари ҳақида телеочерк.
16.25 Илмий-оммабоп фильм-премьераси.
16.45 СССР халқ артисти, композитор А. Г. Новиков қўшиқлари.
18.05 «Бизнинг хонадонимизда». Телевизион шарҳ.
18.55 Мультфильм.
19.15 «Халқаро обзор».
19.30 «Ерда, самода ва денгизда».
20.00 СССР халқ артисти А. Борисов, А. П. Чехов ҳикояларини ўқийди.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт студиясида К. Ванешкин поэзияси кечаси.
23.40 Союзлар уйининг Колонна залида санъат усталарининг концерти.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Джаз шинавандаларига».
8.00 Врач маслаҳати.
8.10 Қишлоқ ёшлари учун.
8.30 «Ахборот».
8.50 «Хотин-қизлар, Сизлар учун».
9.00 «Ҳужжатли кино экрани».
9.45 «Ўзбекистон спорти» (рус.).
10.15 Андижон шаҳар «Ёшлик» мактаб-магазин халқ ансамблининг концерти.
10.55 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун».
11.30 Телевидение экранида биринчи марта. «Уч хил ўлчовдаги олам. Бадиий фильм (рус.).
17.15 Кўрсатувлар программаси.
17.20 «Езувчилар—болаларга». Ф. Мусажонов.
18.00 «Алкоголизм билан кураш — ҳамманинг иши». (рус.)
18.35 «Ягона, аҳил оилада...». Белоруссия ССР.
19.30 «Ахборот». (рус.).
19.45 «Ягона, аҳил оилада...» Белоруссия ССР (давоми).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Телевизион миниатюралар театри.
23.05 Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА, 22. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Жонажон ўлка тароналари».
10.25 «Спортлото»нинг 38-тиражи.
10.35 «Будильник».
11.05 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
12.05 «Здоровье».
12.50 «Тонгги почта».
13.20 Киножурнал.
13.35 «Қишлоқ янгиликлари».
14.35 «Музикали киоск».
15.05 Болалар учун телеспектакль.
17.20 «Чапмалар».
17.55 «Саёҳатчилар клуби».
18.55 Е. Светланов. «Қишлоқда кеча ва кундузлар». Квинтет ва духовой чолғулари ижроси учун сюита.
19.05 «Халқаро панорама».
19.50 Мультфильм.
20.15 Санъат усталари —ишлаб чиқариш илғорларига.
21.30 «Время».
22.00 «Музикали интервью».
22.20 Енгил атлетика. СССР, АҚШ Япония терма командаларининг матчи.
23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
23.35 Янгиликлар.

МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!».
9.15 «Расмларда қуёш акси бор».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 Вертолёт спорти бўйича СССР чемпионати.
11.00 «Арам Хачатурян—рассом, гражданин». Телефильм премьераси. 4-серия.
12.05 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
13.55 «Ҳайвонот оламида».
14.55 Киножурнал.
15.05 Ф. Шопен асарларини РСФСР халқ артисти Р. Керер ижро этади.
15.50 Мультфильм.
16.10 «Дунё ва ёшлар».
16.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати.
18.15 «Виждон». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
19.30 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали.
20.00 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!».
20.50 Автокросс бўйича халқаро мусобақалар.
21.30 «Время».
22.05 «Ишбилармон кишилар». О. Генри новеллалари асосида бадиий фильм.
23.25 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат» — «Динамо» (Тбилиси) 2-тайм.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Даврим садоси». Музикали программа.
8.00 Ижодкор ёшлар учун.
8.20 «Бўзсув кузининг жозибаси». Ҳужжатли фильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 «Қувноқ стартлар».
9.50 Мактаб ўқувчилари учун.
10.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Эрта қайтган турналар». Бадиий фильм.
11.40 «Шахмат мактаби».
12.10 Телевизион миниатюралар театри.
13.10 Пойтахтимиз меҳмонлари».
14.10 Реклама.
17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 Мультфильм.
17.55 Болалар учун. «Бойчечак».
18.25 Теннис бўйича ўсмирларнинг IV Халқаро турнири. 21 сентябрда ёзиб олинган репортаж.
19.00 «Сиҳат-саломатлик» илмий-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Катталар учун мультфильмлар.
20.00 Фильм-концерт.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Хирмонингизга барака».
21.10 Дам олиш концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Тошкентнинг олтин кузи» IV Бутуниттифоқ санъат фестивали. Кўрсатув тугагач Кўрсатувлар программаси.

ҚИШ САБОҚЛАРИ ЗОЕ КЕТМАДИ

«ҚИШГА ШАЙМИЗ!» деб рапорт берди «Ўзбекхиммаш» заводи дирекциясига корхонанинг уй-жой коммунал бўлими. Корхона инженерлари ва ишчиларининг оилалари истиқомат қиладиган массивдаги 45 та уйнинг ҳаммаси киройи ремонт қилинди, ремонтга муҳтож томлар тузатилди, иссиқлик трассаси тартибга солинди. Хуллас, 10 минг аҳоли яшайдиган бу массивда текшириш ремонти ўтказилиб, иситиш асбобларининг ҳолатига алоҳида эътибор берилди.

Бу орада инженер В. А. Терешченко раҳбарлигида бош энергетик хизмати барча цехларда «иссиқлик осма мосламалари»ни монтаж қилиб бўлди. Иссиқ ҳаво оқими қозонхонадан цех ичкарисига ўтиб, дарвоза очиқ турганда ҳам цехни исита олади. Газ иситгичлар кўпгина ишлаб чиқариш корпусларида монтаж қилиниб бўлай деб қолди. Улар цехда салкам 20 даражали энг яхши ҳароратни сақлай олади.

«Ўзбекхиммаш» корхонасида қурилишлар кўп. Бу йил 160 ўринли болалар боғчаси қурилиб, шу йил кузда фойдаланишга топширилади.

(ЎзТАГ).

• САНЪАТ ХРОНИКАСИ •• СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ •• ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ХАБАРЛАР •

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАЁТИДАН

КОЛХОЗДА БЕШ АНСАМБЛЬ

Чорак асрдирки «Қизил Ўзбекистон» колхозининг маданият саройида «Дўстлик тароналари» ашула ва рақс ансамбли фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг қатнашчилари областимиз шаҳар ва районларида бўлишиб, қишлоқ меҳнаткашлари ва ишчи-хизматчиларга ўзларининг ранг-баранг программасини намойиш этишаяпти.

Хўжаликда Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлган бу коллектив билан бир қаторда «Ўзбекистон гуллари» вокал-чолғу, доирачилар ва ўйинчилар ансамбллари ҳам ташкил этилган. Куй ва қўшиқ, жозибали рақс ихлосмандлари ҳаваскор санъаткорларнинг ҳар бир чиқишини мамнуният билан қарши олмоқдалар. Норбой Мусаев, Йўлдош Парпиев, Жўрабек Рўзиев, Бахтиёр Имомов, Дамира Саидумарова сингари ёш санъаткорлар ижро этган қўшиқ ва рақслар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Р. АҲМАДАЛИЕВ,
Оржоникидзе райони.

ТАНИШИНГ: «ТОШКЕНТНИНГ ОЛТИН КУЗИ» ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

«ВИРТУОЗЫ МОСКВЫ»

«ТОШКЕНТНИНГ олтин кузи» фестивалида мамлакатимизнинг энг ажойиб коллективларидан ҳисобланган «Виртуозы Москвы» Давлат камер оркестрининг қатнашаётганлиги анъанавий концерт мавсумининг ўзига хос воқеасидир. Негаки, мазкур коллективнинг ижодий изланишлари Совет Иттифоқи ва хорижий мамлакатлар кўп сонли музика шинавандаларининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб келмоқда.

Коллективнинг томошабинлар ўртасида кенг эътибор қозонишида оркестрнинг дирижёри, камер музикасининг моҳир билағони, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Владимир Спиваковнинг хизматлари катта. Камер асарлари — музика санъатининг энг нафис дурдонаси ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, у композитор ва асарни миллион-миллион тингловчиларга етказувчи — ижрочи қалбининг лирик иқрори ҳамдир. «Шунинг учун партитурани биз фақат кўзимиз билан эмас, балки ақлимиз ва юрагимиз, бутун вужудимиз билан ўқишимиз лозим», — дейди В. Спиваков. Унинг бу фикрини оркестрнинг А. Футер, Б. Куньев, А. Горлицкий, А. Уткин, М. Мильман, Г. Ковалевский, Б. Афанасьев каби ажойиб ижрочилари ҳам қўллаб-қувватлайдилар.

Коллектив вужудга келгандан буён унга муттасил ижодий ютуқлар ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Хусусан, оркестрнинг концертига испан газетасида босилган тақризда шундай жумлаларни ўқиймиз: «Дирижёр Владимир Спиваковнинг атрофини 24 нафар истеъдодли созанда ўраб олган. Ижро техникасини мукаммал эгаллаган санъаткорлар дирижёрнинг хоҳиш-истагига бўйсуниб, бир зумдаёқ мафтункор аниқлик билан унинг ҳаракатларига жавоб қайтаришади. Улар талқинидаги Бах асарлари — ижрочилик санъатининг юксак намунасидир. Бу концерт Бах хотираси учун бетимсол ҳайкал ролини ўтайди».

Англияда чиқадиган «Дейли телеграф» газетаси эса: «Томошабинлар билан лиқ тўла зал оркестр ижро этган куйларга маҳлиё эди. Айниқса, бу Чайковский асарларининг ижросига тааллуқлидир. Ҳақиқатан ҳам бу концерт музика санъатининг сеҳрли кучини намойиш этди», деб ёзади.

Оркестр репертуарига назар ташласак, ундан Бах, Гайдн, Моцарт, Чайковский ва Шостакович, шунингдек, Р. Шчедриннинг янги камер асарлари муносиб ўрин эгаллаганлигининг гувоҳи бўламиз. Яқинда коллектив И. С. Бах таваллудининг 300 йиллигига бағишлаб композиторнинг «Кётен шаҳри учун музика» асарини моҳирона ижро этди. Уни санъат шинавандалари катта қизиқиш билан қарши олдилар.

Т. КОНТУАШВИЛИ,
М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси.

● СУРАТДА: «Виртуозы Москвы» Давлат камер оркестри куй ижро этмоқда.

«НАВРЎЗИ АЖАМ» БАМда

ОҚҚЎРҒОН. (Штатсиз мухбиримиз Т. Маматов телефон орқали хабар қилади). Район маданият уйи ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Наврўзи ажам» ашула ва рақс ансамблининг концерт программасидан ўрин олган миллий ва замонавий қўшиқлар санъат ихлосмандларининг муносиб баҳосини олган. Коллективга халқ ансамбли номи берилган. У Тошкент область Ленин комсомолининг лауреати бўлган.

Яқинда коллективнинг Расулжон Эргашев бошчилигидаги ҳаваскор санъаткорлари Байкал-Амур магистралига жўнаб кетишди. Ансамбль иштирокчилари бу ердаги қурувчи-бунёдкорлар ҳузурида бўлишиб, ўзларининг куй-қўшиқлари билан уларни мамнун қилишади.

САҲНАДА — «КУЁВ»

▲ ҲАМЗА номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри коллективи томошабинлар эътиборига Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза мукофотининг лауреати Саид Аҳмаднинг янги — «Куёв» комедиясини тақдим қилди. Режиссёрлар Рустам Ҳамидов ва Бахтиёр Назаров саҳналаштирган мазкур спектаклда жамиятимизга ёт бўлган айрим иллатлар кулги тили билан фош этилади.

Шу кунларда бу саҳна асарининг премьераси кўрсатилмоқда. Янги спектаклда театрнинг етакчи актёрлари иштирок этмоқдалар. Суратларда: комедиядан айрим саҳналар. (Чапдан) Ғани — Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғани Аъзамов; Баҳри — артист Дилбар Исмоилова, Маҳсум — Теша Мўминов.

М. Исломов фотолари.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ШАХМАТ

▲ ЖАҲОН чемпиони Анатолий Карпов ва шу номга даъвогар Гарри Каспаров ўртасида ўтказилаётган мусобақанинг навбатдаги тўртинчи партияси 41-юришда кечиктирилди. Кеча ана шу ўйин давом эттирилди.

Бугун мусобақа низомига кўра бешинчи партия ўйналиши керак.

ФУТБОЛ

▲ ҚИТЪАЛАРДА саралаш ўйинлари давом этмоқда. Мексикага финал учрашувларга йўлланма олаётган командалар бирин-кетин маълум бўлмоқда. Ўтган чоршанба кунга қадар олтита финалчи маълум эди. Бўлиб ўтган бешта саралаш ўйинларидан сўнг яна бир финалчи аниқланди. Бу Польша футболчиларидир. Улар Бельгия терма командаси билан бўлган ўйинни натижасиз дуранг қилишди.

Биринчи группада қатнашаётган Польша ва Бельгия командалари 8 тадан очко тўплашди. Лекин Польша командаси кўп тўп киритганлиги учун йўлланма эгаси бўлди. Шундай қилиб шу кунгача финалга Италия, Мексика, Бразилия, Аргентина, Уругвай, Венгрия ва Польша футболчилари йўлланма олдилар.

Олтинчи группада ҳам битта ўйин бўлди. Швейцария ва Ирландия учрашувида ҳисоб очилмади. Шу группада қатнашаётган СССР терма командаси навбатдаги учрашувни Москвада, 25 сентябрда Дания командаси билан ўтказади.

6-группа командаларининг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў.	Т.	О.
Дания	4	8—3	6
Ирландия	6	4—4	6
Швейцария	6	4—9	6
СССР	5	9—8	4
Норвегия	5	2—3	4

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

▲ ХИТОЙНИНГ Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда мамлакатимиз терма командаси сафида қатнашган тошкентлик Владимир Черников уч ҳатлаб узунликка сакрашда 16 метр 94 сантиметр натижа билан ғолиб келди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАР ВА РАЙОНЛАРИДА СЕНТЯБРЬ ОЙИДА

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ (ўзбек тилида)

ПРЕМЬЕРАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

Постановкачи-режиссёр — Мэлис АБЗАЛОВ.
Ролларда — Турсуной ЖАЪФАРОВА, Дилором ЭГАМБЕРДИЕВА, Луиза ҚОСИМОВА, Диас РАҲМАТОВ, Ғолиб ИСКАНДАРОВ, Дилором ИКРОМОВА, Клара ЖАЛИЛОВА ва бошқалар.

Мазкур фильм катталарга нисбатан иззат-икромда бўлиш, одоб ва одамларнинг самимий муносабатлариниараннум этиш билан бирга, айни бир вақтда бу инсоний фазилатлар ҳозирги кўп қаватли янги уйларда ҳукм сураётган шоҳона ҳаёт шароитида йўқолиб бораётганлигини киноявий тарзда тасвирлайди. Зотан, бундай уйларда қўшни қўшнисининг кимлигини билмайди, гўёки одамлар ўз квартирасининг тўрт девор ичкарисига беркиниб олгандай.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
15 сентябрда — Оққўрғон шаҳри, «ЁШЛИК» кинотеатрида.
14—15 сентябрда — Оҳангарон шаҳри, «ВОСХОД» кинотеатрида.
16—20 сентябрда — Янгибозор шаҳри, «ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрида.
21—25 сентябрда — Солдатское посёлкаси, «ҒАЛАБА» кинотеатрида.
25—28 сентябрда — Пискент шаҳри, «ЎзССР 40 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрида.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1985—1986 ўқув йили учун

КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, пионервожатийлар ва ҳарбий хизматни ўтаб бўлганлар, завод, фабрика, фирма, алоқа, қурилиш ташкилотлари, мактаблар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.
Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.
Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз ва немис, француз тиллари факультетларига қабул қилинади.
Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг (кундузги, кечки, сиртқи) **1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, 086/У формадаги медицина справкаси, 8 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).
Аризалар 20 сентябргача қабул қилинади.
Суҳбат 21 сентябрдан 26 сентябргача давом этади.
Ўқиш муддати — 10 ой.
Машғулотлар 1 октябрдан бошланади.
Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1985 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам, тайёрлов бўлимларига қабул қилинмайдилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 2-уй. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

1985 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Барча профилдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат (саноати) **товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар.**
Группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.
Ўқишни тугатганларга «КОНТРОЛЕР-КАССИР» ёки «СОТУВЧИ» малакаси берилади.
Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат (саноат) **товарлари бўйича кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларга тугалланмаган ўрта** (8, 9-синф) **маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар ҳам кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.**
Ўқиш муддати — 8 ой.
Бу группаларни тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ» малакаси берилади.
Контролёр-кассир ва кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларнинг барча тингловчиларига ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Шунингдек, ошпазлар тайёрлайдиган группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 11 ой.
Қабул қилинганларга ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.
1985 йил 1 сентябрдан сўнг ташкил қилинган контролёр-кассир, кичик сотувчи ва ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш ҳар бир группа комплектлангандан сўнг бошланади.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ БАРЧА ГРУППАЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.
Республика ўқув-курс комбинатининг барча группаларига ҳужжатлар қабул қилиш бутун йил давомида узлуксиз равишда олиб борилади.
Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.
Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида — Тошкент Бош Универсал магазини — ГУМда, Республика «Гастроном» конторасига қарашли магазинларда ҳамда ресторан ва умумовқатланиш трестларининг илғор корхоналарида ишлаб чиқариш таълими (практика)**ни ўтказадилар.**
Ўқув-курс комбинатининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмда 6 дона фотосурат, характеристика.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй. (13, 70-автобусларнинг, «Тез медицина ёрдами касалхонаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекати). Телефон: 78-44-30.

ҲАЛҚАРО ҲАЁТ

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ БАНГКОК. Радио ва телевидениенинг хабар беришича, ҳукуматга содиқ бўлган қўшинлар мамлакатдаги аҳволни яна назорат қилиб турибдилар. Исёнчилар қуролларини ташлаб, таслим бўлдилар. Муваффақиятсиз чиққан тўнтариш раҳбарларининг тақдири ҳозирча маълум эмас. Матбуот ишлари бўйича вакилнинг айтишича, рўй берган воқеалар яқин кунларда текшириб чиқилади ва исёнчиларга нисбатан қонунга мувофиқ чора кўрилади. У журналистларга ахборот бериб, бундай деди: исёнчилар танк полкларининг биридан 22 танкни, шунингдек, ҳаво-десант кучларининг жами бир батальонга яқин бўлинмасини кўчаларга олиб чиққанлар. Тўқнашув натижасида бир неча киши ўлган ва 50 га яқин киши жароҳатланган. Ҳукуматнинг вакили таъкидлаб ўтганидек, бош министр Индонезиядан омон-эсон қайтиб келган ва қирол уни қабул қилган.

● МАПУТУ. АҚШнинг ва ирқчи ЖАРнинг махсус хизмат маҳкамалари таъминотида бўлган «Мозамбик миллий қаршилик кўрсатиши» деб аталган гуруҳга мансуб террорчилар Мозамбикдаги аҳволни издан чиқариш мақсадида диверсия ва террор қилмоқдалар. Улар аввало гражданобъектларини ўз жиноий операциялари учун нишон қилиб олмоқдалар. АИМ агентлигининг хабар қилишича, бандитлар 10 сентябрь куни Мапуту атрофида жойлашган «Краун корк» фабрикаси цехларидан бирини портлатганлар. Диверсия натижасида корхонага моддий жиҳатдан катта зарар етказилган.

● ВАШИНГТОН. Чилининг собиқ президенти Сальвадор Альенде 12 йил муқаддам чилиликларга радио орқали мурожаат қилиб сўзлаган нутқида «жиноят ва зўравонлик қилиш йўли билан социал тараққиётни тўхтатиш мумкин эмас» деган эди. Бу сўзлар Вашингтонда ўтказилган оммавий намойишнинг шиори бўлиб қолди. Чилидаги қонхўр фашистлар исёнининг ўн икки йиллиги билан бир вақтда ўтказилган намойиш қатнашчилари ана шу жафокаш мамлакатдаги террорга, шунингдек Рейган маъмурияти жаллодларни қўллаб-қувватлаётганлигига қарши қаҳрғазаб билан норозилик билдирдилар. **(ТАСС).**

ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ

ГААГА. Нидерландия парламентида энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган меҳнат партияси Голландия заминида Американинг қанотли ракеталари жойлаштирилишидан қатъий бош тортувчи позициясини тасдиқлади. Голландия ахборот агентлигининг хабар қилишича, Вашингтонда визит билан турган шу партия раиси Макс ван Ден Берг Пентагон ва давлат департаменти вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида гапириб, башарти меҳнат партияси навбатдаги парламент сайлови натижасида ҳокимият тепасига келгудек бўлса, бу партия Голландияда қанотли ракеталар жойлаштирилишига йўл қўймайди, деди.

(ТАСС).

ИРОҚ—ЭРОН ФРОНТИДА

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг 12 сентябрдаги ахборотида бундай дейилади: фронтнинг шимолий участкасидаги жанглар давомида Эроннинг уч дивизияси яксон қилинди, душманнинг минг нафар аскари ўлдирилди. Ўтган кунлар мобайнида Ироқ артиллерияси фронтнинг турли участкаларида Эрон армияси позицияларига ва инженерлик иншоотларига зарба урди. Бир қанча кузатиш постлари ва ўқдори омборлари тугатилди.

Ироқ авиацияси Форс кўрфазидаги Ҳарк оролида жойлашган Эроннинг энг йирик нефть қуйиш портини бомбардимон қилди, деди Ироқ ҳарбий вакили. У Эрон томонининг ҳужуми вақтида Ироқ самолёти уриб туширилди, деган даъвосини рад этди.

Эроннинг узоққа отадиган артиллерияси Ироқнинг Омандали шаҳрини ва Биара қишлоғини ўққа тутди.

НИКОСИЯ. (ТАСС). Эроннинг ИРНА агентлиги хабар қилишича, ўтган кунлар давомида Эроннинг осмон ҳужумидан мудофаа бўлинмалари Ҳарк оролига ҳужум қилган вақтда Ироқнинг бир самолётини уриб туширган. Фронтнинг шимолий участкасида Ироқ авиациясининг Пиранshaҳр ва Сердешт шаҳарлари районида Эрон осмон чегарасига бостириб кириш йўлидаги уринишига йўл қўйилмаган. Эрон артиллерияси фронтнинг бутун линияси бўйлаб Ироқ позицияларини ўққа тутган. Ироқ ҳарбий хизматчиларидан 70 дан кўпроқ киши ўлдирилган ва ярадор қилинган.

Ироқ артиллерияси Эроннинг Хуррамшаҳр ва Ободон шаҳарларини ўққа тутган.

СУРИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИ АҲДИ

ДАМАШҚ. Сурия ишчилар касаба союзи умумий федерациясининг раиси Изиддин Носир Америка империализми ва сионизмнинг Яқин Шарқдаги экспансиячилик муддаоларини кескин қоралади. У тўқимачилик, тикув ва чарм-пойафзал саноати касаба союзлари халқаро бирлашмасининг ижроия бюроси сессиясида сўзга чиқиб, Вашингтон билан Тель-Авив регионидаги халқларга Яқин Шарқ можаросини бартараф этишнинг таслимчилик вариантларини тиқиштиришга уриниб, босиб олинган араб территорияларида Исроил оккупациясини абадийлаштиришни мўлжалламоқдалар, деб айтди.

И. Носир Сурия меҳнаткашлари империализм ва сионизмнинг режаларига қарши мурососиз кураш олиб боришга қатъий аҳд қилганлигини изҳор этди. Сурия Араб Республикаси сарфлаётган куч-ғайрат, деди у, тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш, социал тараққиёт учун араб халқлари олиб бораётган курашнинг таркибий қисмидир. Шу муносабат билан у Ер юзидаги барча тараққийпарвар кучлар, аввало социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг ҳаётий зарурлигини уқтирди.

(ТАСС).

АҚШ СИЁСАТИ КЕСКИН ҚОРАЛАНМОҚДА

ТРИПОЛИ. Араблар дунёсидаги машҳур сиёсий арбоб, араблар бирдамлиги уюшмасининг собиқ бош секретари М. Риад АҚШнинг Яқин Шарқдаги сиёсатини кескин қоралади. Вашингтон Яқин Шарқ проблемасини, хусусан Фаластин масаласини адолатли ҳал этишдан манфаатдор эмас, деб айтди у «Ал-Мауқиф ал-арабий» журнали мухбири билан суҳбатда. Исроил АҚШнинг ҳар томонлама ёрдами билангина араб давлатларига нисбатан ашаддий экспансиячилик сиёсатини давом эттирмоқда, босиб олинган территорияларда янги манзилгоҳлар барпо этиб, арабларни киндик қони тўкилган жойларидан қувиб чиқармоқдалар.

Сўнгра М. Риад таъкидладики, Кэмп-Дэвид битимлари Исроилнинг Ливанга бостириб киришига кўмаклашди. Исроил араб мамлакатларига қарши яна агрессия қилишнинг реал имконияти бор, деб айтди у.

(ТАСС).

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТВ

БУГУН

МТ I

9.00. «Время».
9.35. Ҳужжатли фильм.
9.55. СССРда Болгария бадиий ҳаваскорлик ижодиёти фестивали.
10.55. «Асли болаликдан». А. С. Макаренко.
11.40. «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
12.10. «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
12.40. Тележурнал.
13.10. «Музика ва поэзия».
13.40. Брянск шаҳрига асос солинганлигининг 1000 йиллигига. Телефильм.
14.15. «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали.
14.45. «Эртага — Ўрмон ходимлари куни». Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати министри М. И. Бусыгин сўзи.
15.00. «Дунё воқеалари».
15.15. «Кутузов». Бадиий фильм.
17.00. Концерт.
17.20. Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати.
17.50. «Ҳайвонот оламида».
18.50. «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.20. Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
21.30. «Время».
22.05. Эстрада кўрсатуви.
22.35. Авиаконструктор С. А. Лавочкин ҳақида ҳужжатли фильм.
22.55. Хоккей бўйича халқаро учрашув. ЧССР — СССР терма командалари. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.

МТ II

9.00. Эрталабки гимнастика.
9.15. «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30. «Насиҳат». Ҳужжатли фильм.
9.50. Ставрополь телевидениесининг программаси.
11.05. «Арам Хачатурян — рассом, гражданин». Тўрт серияли телефильм премьераси 1-серия.
12.10. «Тонгги почта».
12.40. Футбол бўйича СССР кубоги. 1/8 финал. «Факел» — «Динамо» (МИНСК). Воронеждан олиб кўрсатилади.
14.15. В. Врублевская. «Кафедра». Телеспектакль.
16.35. Джо Борн куйлайди.
17.00. Мультфильмлар.
17.30. «Стадион ҳамма учун».
18.00. «Биргалашиб қўшиқ куйлайлик, дўстлар».
19.45. Мотоспорт бўйича Европа чемпионати.
20.15. Халқаро обзор.
20.30. «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45. «Здоровье».
21.30. «Время».
22.05. Бадиий фильм.

УзТВ I

7.25. Кўрсатувлар программаси.
7.30. Ритмик гимнастика.
7.50. «Салом, кичкинтойлар!».
8.05. Врач маслаҳати».
8.15. Телефильм.
8.30. «Ахборот».
8.50. Кичик концерт.
9.10. Ҳужжатли фильм.
9.20. «Кинoредакция почтасидан».
10.05. «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».
10.35. «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
12.00. «Агар соғлом бўлай десанг». (рус.).
18.15. Кўрсатувлар программаси.
18.20. «Қизиқарли учрашувлар». Юқори синф ўқувчиларининг ЎзССР халқ ёзувчиси Ҳ. Назир билан учрашуви.
19.00. Ўрмон ходимлари кунига бағишланган кўрсатув.
19.30. «Ахборот». (рус.).
19.45. «Уйларимиз иссиқ бўлсин учун». (рус.).
20.30. «Ахборот».
20.50. Тожикистон ССР халқ артисти Жўрабек Набиев куйлайди.
21.30. Москва. «Время».
22.05. «Саҳна усталари санъати». СССР халқ артисти Шукур Бурҳонов.
23.25. Кўрсатувлар программаси.

Р. 09451. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64664. А. 1785. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12